O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 26-mart • № 12 (3738)

СИНОВЛАРДАН ЎТГАН ҚАРДОШЛИК

Бу икки халқ мабодо мусобақа қилса, илмда ва тафаккурда мусобақа қилган. Баҳслашса, маърифат ҳақида баҳслашган. Бу мусобақа, бу баҳслар умуминсоният тафаккури хазинасига ноёб дуру жавоҳирлар берган, уни бойитган. Тарих бунга шоҳид. Дунёга Низомийдек даҳони берган халқ — озарбойжон. Низомий "панжа"сига "панжа" ура олган мард — ўзбек. Насимийу Фузулий орқали ишқ достонин куйлаган — озарбойжон. Машрабу Фурқатлар қаламида бу куйни авж пардага кўтарган — ўзбек.

Фалак неча бор айланди. Замон неча бор эврилди. Лекин бу дўстлик ва қардошликка фалакнинг ҳеч бир тўфони, замоннинг ҳеч бир гирдоби раҳна сололган эмас. Озарбойжон ва ўзбек халқлари дўстлиги асрлар давомида не-не синовлардан ўтди. Бу дўстлик ва қардошлик наинки замондош адиблар, шоирлар ва олимлар томонидан, ҳатто давлат раҳбарлари даражасида ҳам муносиб давом эттирилаётгани боболар анъанасига бўлган ҳурматнинг ёрқин ифодаси. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Озарбойжон раҳбари Илҳом Алиевни мамлакатимизга таклиф этиши сабаби ҳам шунда. Илҳом Алиев ташрифидан кўзланган асосий мақсад ҳам шу.

Ташриф чоғида мамлакатлараро муносабатларнинг деярли барча жабҳаларида келишувлар, шартномалар, меморандумлар имзоланди. Президентлар Ўзбекистон — Озарбойжон ҳамкорлигини янги поғонага кўтариш, уни ҳар томонлама кенгайтириш зарурлигини таъкидладилар. Албатта, олий даражадаги бу фикр алмашувлар, имзоланган ҳужжатлар ўз самарасини беради.

Бу ташриф, бошқа барча жабҳалар қатори, адабиёт ва санъат соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳам янги босқичини бошлаб беради, дейиш мумкин. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети билан Бобур боғини туташтириб турадиган майдонда Низомий Ганжавийга ҳайкал қўйилиши бунинг ўзига хос рамзи. 23 март куни Президентлар Ислом Каримов ва Илҳом Алиев ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этдилар. Икки мамлакат мадҳиялари янгради.

Низомийнинг мўътабар номини, унинг авлодларга қолдирган бой ва ажойиб меросини билмайдиган бирорта ўзбек йўқ эканлигини таъкидлаган мамлакатимиз раҳбари ўзбек шеъриятининг султони Алишер Навоий Низомий даҳосига катта ҳурмат ва эҳтиром билан қарагани, ўз ижодида бу улуғ шоир куйлаган, орзу қилган фалсафий, ижтимоий-ахлоқий ғояларни, инсон зотини шарафлайдиган қадриятларни давом эттиргани хусусида ҳам сўз юритди.

Президент Ислом Каримов буюк Низомий Ганжавийнинг ушбу муҳташам ҳайкали Тошкент Давлат Педагогика университети олдидаги кўркам майдонда қад ростлагани бежиз эмаслигини таъкидлади.

— Юртимиздаги мўътабар илм масканларидан бири бўлган ушбу университет олтмиш йилдан буён Низомийнинг табаррук номи билан аталиб, унинг хотирасини улуғлаб келмоқда, — деди Президент Ислом Каримов. — Ажойиб санъат асари бўлмиш бу муаззам ҳайкал замон ва макон чегараларини билмайдиган Низомий даҳосига маърифатпарвар халқимизнинг чуқур эҳтироми белгисидир.

Айни пайтда мен бу ёдгорликни қардош озарбойжон халқига, унинг кўҳна тарихи ва маданиятига, асрлар синовидан ўтиб келаётган сўнмас руҳи, ирода ва матонатига, унинг ёруғ келажагига бўлган ҳурмат ва ишончимизнинг рамзи сифатида қабул қилишингизни истардим, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Орадан йиллар, асрлар ўтади, бу муҳташам ёдгорлик янги-янги авлодларимизни Низомий куйлаган ўлмас ғояларга, эзгу интилишлари муштарак икки халқни бир-бирига таянч бўлиб, дўстлигини мустаҳкамлашга доимо чорлаб туради. Ишончим комилки, қардошлигимизнинг бу ёрқин тимсоли халқларимиз даҳоси яратган маданият дурдоналаридан бизларни ҳамиша баҳраманд этишга хизмат қилади.

Президент Илҳом Алиев озарбойжон халқининг буюк фарзанди Ўзбекистон тупроғида қадр топаётгани, эъзозланаётгани учун ўзбек халқига, ушбу хайрли ишларда бош бўлиб турган Президент Ислом Каримовга ўз мамлакати, халқи ва ҳукумати номидан самимий миннатдорлик билдирди. Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийга ҳайкал қўйилишини маълум қилди.

Шу куни Тошкент Давлат Педагогика университетида "Ўзбек-озарбойжон маданий-адабий алоқаларида Низомий даҳосининг тутган ўрни" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда Озарбойжон ФА Адабиёт, Тил институтлари олимлари, Озарбойжон Давлат университети профессор-ўқитувчиларидан олти киши иштирок этди. Бундан ташқари, анжуманда Озарбойжон халқ шоири Наби Хазри ҳам қатнашди. Меҳмонлар ҳамда ўзбек олимларидан академик А.Қаюмов, филология фанлари докторлари, профессорлар А.Ҳайитметов, Ҳ.Ҳомидий, Б.Тўхлиев ва фалсафа фанлари доктори, профессор И.Каримовлар Низомий ижодининг турли қирралари бўйича, шоир даҳосининг жаҳоншумул моҳияти тўғрисида, ёш авлодни тарбиялашда Низомий меросининг аҳамияти хусусида маърузалар қилдилар, суҳбатларда иштирок этдилар.

Университет қошида Низомийнинг ҳаёти ва ижодий меросини акс эттирувчи музей ҳам тантанали равишда очилди. Авваллоқ "Ганжалик даҳо" деган илмий тўплам ҳам чоп этилган эди. Анжуман арафасида Низомий ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи плакат ва буклет нашр қилинди.

Ҳар бир миллатнинг адабиёти ўша миллат маънавий қиёфасини акс эттириши баробарида, умуминсоният бойлиги сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, озарбойжон халқининг улуғ фарзанди Низомий Ганжавий даҳосига кўрсатилган ҳурматни ўзбек-озарбойжон муносабатлари тимсолида умуминсоний қадриятларга кўрсатилган ҳурмат, деб ҳисоблаш мумкин. Икки қардош халқ ўртасидаги дўстона муносабатлар, адабий ҳамкорлик янада равнақ топаверади, деган умиддамиз.

Нурбой ЖАББОРОВ

Абдулла ОРИПОВ

ОЗАРБОЙЖОН

Хаёл оти билан кезгил ҳар ённи,
Топмассан бундайин хушбахт бир онни.

Муҳр этди дилларга тарих инчунин,
Қадим қондошликни — олий эҳсонни.

Сўйласин минг йиллик мўйсафид тарих,
Бу дўстлик билганми шубҳа, гумонни?

Ўзбекман, англамай қаёққа бордим,
Шу инжа озарий тилни, забонни.

Дўстлик бу — муҳаббат янглиғ фараҳким,
Билгай у на ҳадни ва на довонни.

Асли Муқаннага қиёс этгулик,
Бобакнинг қалбидан тошган туғённи.

Низомий болидан ҳалво пишурмиш
Навоий забт этиб туркий жаҳонни.

Бир лаҳза қўлидан қўйганми ўзбек,
Ўзинг айт, Фузулий битган девонни.

Азизим, дилимда асраб юрибман
Насимий қолдирган собит имонни.

Сен билан кечмишнинг жангтоҳларида
Бирга таниганмиз яхши-ёмонни.

Тарих-ку, муҳташам ёдгордир олий,
Сўйлайин шу кунни, айни шу онни.

Мен сендай мезбонни топмоғим гумон,
Сен ҳам тополмассан мендай меҳмонни.

Мавжуд бўлмасайди оламда агар,
Ўйлаб топар эдим Озарбойжонни.

НИЗОМИЙ ДАҲОСИ ВА ЎЗБЕК ДОСТОНЧИЛИГИ

Озарбойжон адабиётининг даҳо ижодкори Низомий Ганжавий фақат бир миллий адабиёт намояндаси бўлмасдан, жаҳон адабиётининг ҳам фахри ва ғуруридир. У "Хамса" достонларини яратиш билан достончиликда бутунлай янги йўналишни юзага келтирди. Низомий "Хамса"си туфайли жаҳон адабиётида достончилик яна бир юксак босқичга кўтарилди. Унинг анъаналарини ривожлантириб, ўзбек тилида янги "Хамса" яратган Алишер Навоий Низомийнинг Шарқ шеъриятидаги буюк хизматларини ниҳоятда юқори баҳолаб, "Ҳайратул-аброр" достонида шундай деган:

Ганжа қуёшики, кўтаргач алам,
Айлади ул мамлакатин яккалам.

Навоий Низомий "Хамса"сининг қимматини ўлчаш учун Осмондан тарозу, Ер куррасидан тош ўрнида фойдаланмоқ керак! — деган эди:

Каффии мезон анга афлок ўлуб;
Ботмони тоши курраи хок ўлуб.

Низомий ҳаёти ва ижоди, асларининг бошқа халқлар адабиёти тараққиётига кўрсатган таъсири фақат Озарбойжонда эмас, Ер юзининг барча қитъаларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам мутасил ўрганилган ва ўрганилиб келмоқда. Низомий ва унинг адабий меросини ўрганиш абадий давом этаверади. Хусусан, ўзбек достончилиги тарихини Низомийсиз тасаввур этиш қийин. Масалан, ўзбек адабиётида XIII — XIV асрларда шеъриятнинг нома жанри ривожида Низомийнинг "Хусрав ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" достонлари таъсири кучли бўлган.

Чунки Низомий достонлари XIII — XIV асрлардаёқ Марказий Осиёда кенг тарқалган эди.

Лекин XIV асрда Қутб томонидан Низомийнинг "Хусрав ва Ширин" достонига жавобан ўзбек тилида шу ном билан янги асар яратилиши чиндан ҳам катта воқеа бўлди. Чунки бугунгача ўзбек адабиётида панднома типида Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу билиг" Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибатулҳақойиқ" каби достонларигина маълум эди, холос.

Қутб асари бевосита Низомийнинг "Хусрав ва Ширин" асарининг маълум даражада таржимаси ва асар қаҳрамонларининг Марказий Осиёда яшовчи халқлар ҳаёт тарзи, хусусиятлари билан алмаштирилади. Лекин достондаги бу хил ўзига хосликлар асар қимматини заррача камайтирмайди. XIV асрда Қутбнинг Низомий достонини Ўрта Осиё, Дашти Қипчоқ ва Волга бўйида яшовчи халқларга уларнинг ўз тилларида тақдим этиши бу халқларни Низомий даҳоси билан яқиндан танитишда муҳим воқеа бўлган. Адабий алоқаларимиз тарихини ёритишда ўзбек адабиётшунос олимлари бу масалаларни жиддий ўрганишга ҳаракат қилишган ва бу йўналишдаги ишлар ҳамон давом этмоқда.

Қутбга хос талқини, десак хато бўлмас.

Қутб бу асарида Низомий услубини сақлашга қаттиқ ҳаракат қилса ҳам, бироқ бир қанча воқеалар таъсирида мустақил йўл тутади. Масалан, Низомий достонидаги Баҳром Чубин воқеалари, Сосонийлар давлати манзаралари Қутб томонидан Олтин Ўрдага кўчирилган. Низомий қаҳрамонлари мансуб бўлган халқларнинг урф-одатлари тасвири эса

Давоми иккинчи бетда.

ЕЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

МИННАТДОРЛИК

Муҳтарам Абдулла Орипович!

Ўзбекистон Республикасидаги Украина элчихонаси буюк украин шоири Тарас Шевченконинг 190 йиллигига бағишланган адабий анжуманни тайёрлаш ва ўтказишдаги ҳамкорлигингиз ҳамда қўллаб-қувватлаганингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдиради.

Ўзбекистонда дўст ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига бевосита алоқадор бўлган украин шоирининг ёрқин хотираси ёд этилиб, эъзозлаб келинаётгани бизни ғоят қувонтиради.

Сиз билан ҳамжиҳатликда ўтган тадбир Т.Шевченко асарлари қалбларимизда яшаётганлиги ҳамда халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлик тимсоли бўлиб, келажак авлодларнинг қалбларида ҳам яшаётганини тасдиқлайди.

Шахсан сизга ва Ўзбекистон ёзувчиларига бизнинг миллий қаҳрамонимизга бўлган эҳтиром, эътибор учун бутун қалбимдан миннатдорлик билдираман. Мустақил давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик, манфаатли ҳамкорликнинг бундан кейин ҳам мустаҳкамланишидан умидворман.

Ҳурмат билан, Украинанинг
Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси
А.И.КАСЯНЕНКО

ВАТАН МУДОФААЧИЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бадиий наср кенгашида адабиётимизда пайдо бўлаётган янги романлар қўлёзмасини асарни чоп этиш ниятида бўлган журналлар ва нашриётлар билан биргаликда муҳокама қилиш яхши анъана тусини олмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг темурийлар даври ҳақидаги "Улуғ салтанат" тарихий романи — "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси билан, самарқандлик адиб Хайриддин Бегматнинг Боборахим Машраб ҳақидаги "Меҳ ибоним қайдасан?" тарихий романи — "Шарқ юлдузи" журнали билан, Уйғун Рўзиевнинг "Атиргул" романи — "Ёшлик" журнали билан, Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат" романи — "Жаҳон адабиёти" журнали ижодкорлари билан бирга муҳокама қилинди. Бу асарлар кенгаш тавсияси билан нашр этилди ва китобхонлар орасида катта қизиқиш уйғотди.

18 март куни Бадиий наср кенгашида "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа маркази билан ҳамкорликда Бобокалон Рўзиевнинг Ватан ҳимоячилари ҳаёти қаламга олинган "Мардлар осмони" асарининг қўлёзмаси муҳокама қилинди. Асарда спортга, хусусан, унинг техник турларига ҳавас қўйган ўсмирларнинг улғайиш баробарида оддий парашютчидан Ватан ҳимоячилари, халқнинг содиқ фарзандлари сифатида камол топиши, ҳарбий-ҳаво ҳамда чегара қўшинлари жангчиларининг қўпорувчи-террорчиларга қарши курашлардаги жанговар ҳамкорлиги, аскарий дўстлиги ва ёшларнинг севги-муҳаббатлари акс эттирилган.

Муҳокамани кенгаш раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров очди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ҳарбий-ватанпарварлик кенгаши раиси, "Ватанпарвар" газетаси бўлим мудири Абдураззоқ Обрўй, уюшма масъул котиби, ёзувчи Раҳимжон Отаев, адабиётшунос олим Ортиқбой Абдуллаев ва "Янги аср авлоди" нашриёти муҳаррири Санжар Назаров асарнинг фазилатлари ва нуқсонлари хусусида ўз мулоҳазаларини баён қилдилар. Хусусан, асар мавзуи ғоят муҳим ва долзарблиги, лекин бу ҳол муаллифга имтиёз бермаслиги, аксинча, масалага юксак масъулият билан ёндашишни талаб қилиши, қўлёзмада ишловталаб жиҳатлар анчагина борлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Минҳожиддин Мирзо асарни атрофлича таҳлил қилибгина қолмай, қуролли кучларимиздаги ислоҳотлар, ўтган давр мобайнида бу соҳада эришилган муҳим натижалар, жисмоний-руҳий тайёрғарлиги юқори, жанговар қобилиятли аскарларни тарбиялаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни асарда пухтароқ ва ҳаққонийроқ акс эттириш зарурлигига эътиборни қаратди.

Муҳокама сўнгида муаллиф йиғилиш қатнашчиларига қимматли фикр-мулоҳазалари учун чуқур миннатдорлик изҳор қилиб, асарни қайта ишлаш чоғида уларни инобатга олажагини билдирди.

Бадиий академиянинг Марказий кўргазма залида Япония қўғирчоқлари кўргазмаси очилди. Унинг ташкилотчилари — Ўзбекистон республикасидаги Япония элчихонаси ҳамда Япония жамғармаси.

Ҳозирги кунгача бирор мамлакатда Японияда-ги каби қўғирчоқларнинг шу қадар кўп турлари мавжуд эмас. Япон қўғирчоқларининг келиб чиқиши қадимги Дземон даври, тахминан эрамиздан аввалги учинчи минг йилликка бориб тақалади. Бироқ, фақат Эдо даврига келиб қўғирчоқлар турли мақсадларда ва ҳар хил шакл ҳамда кўринишда яратила бошлади.

Йил фаслларининг алмашинуви вақтида бахтсизликни қайтариш учун ўтказиладиган кўпгина байрамлар орасида, 3 мартда нишонланадиган қизлар байрами ва 5 майда ўтказиладиган ўғил болалар байрами сиёсий можаролардан холи, барқарорлик даври ҳисобланмиш Эдо даврида машҳур бўлди. Қўғирчоқлар кўпроқ сеҳр-жоду мақсадларида эмас, балки намойиш ва кўргазма учун мўлжалланган эди.

Япон қўғирчоқлари дарахт, қоғоз, мато ёки сополдан ясалади. Госё, нингё ёки император саройи қўғирчоқларида жажжи болаларга хос бетакрор хислатлар акс этган. Кимэкоми қўғирчоқлари дарахтдан ясалиб, ёғоч юзага мато ёпиштириш ёрдамида безатилади. Сополдан ясалган қўғирчоқларнинг асосий қисми пишган сополдан ишланади, сўнг майдаланган чиғаноқ кукунидан тайёрланган модда, темпера билан ишлов берилиб, нақш солинади. Аммо мамлакатнинг турли қисмларида бўяшнинг ўз усуллари мавжуд.

Кокеси қўғирчоқлари ёғоч ўймакорлигининг намунасидир. Улар Эдо даврининг охирида бошланган нисбатан қисқа тарихга эга. Кокеси қўғирчоқлари Хонсю оролининг шимоли-шарқий райони, Тохокуда анъанавий ҳунар ҳисобланади. Уларнинг асосий хусусияти қўл ва оёқларсиз цилиндрсимон танага алоҳида ёпиштирилган бош кўринишга эгалигидир.

Ш.СУЮНОВА

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИДА

ЯПОН ҚЎҒИРЧОҚЛАРИ

27 МАРТ — ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ

ТЕАТР САНЪАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Маълумки, 27-март Халқаро театр куни сифатида ҳар йили юртимизда кенг нишонланади. Бу йил ҳам мазкур санага бағишлаб 27 мартдан 1 апрелга қадар Ўзбек Миллий академик драма театри биносида республикамиз театрларида лойиҳалар асосида саҳналаштирилган спектакларнинг I-кўрик-фестивали ўтказилади.

САҲНА АСАРЛАРИ КЎРИГИ

Мазкур тадбирдан асосий мақсад миллий истиқлол ғоясини, ғўзал инсоний муносабатларни, она ватанга муҳаббатни, анъаналарни ва асл қадриятларимизга садоқатни ўзида мужассам этган бадиий баркамол саҳна асарларини яратиш ва улардан кенг томошабинлар оммасини, хусусан, ёшларни баҳраманд этишдир.

Фестивал давомида томошабинларга 12 спектакл кўрсатилади. Ҳар куни намойиш этилган асарлар бўйича маърузалар ва муҳокамалар ўтказилади. Муҳокамаларда муаллифлар, театршунослар ҳамда мутахассислар қатнашадилар.

Тадбирнинг сўнгги кунида кўрилган спектакллар, бугунги театр санъатида юз бераётган ўзгаришлар юзасидан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтади.

Театр санъати маънавиятнинг энг ёрқин, таъсирчан кўринишларидан биридир. Зеро, у томошабинларга бевосита таъсир кўрсатади. Бир ярим-икки соат ичида тарих ёки замонавий ҳаётдан ҳикоя қилиб, томошабиннинг фикрини ўзгартириб юбориши, унинг қалбида ўчмас из қолдириши мумкин. Шу боисдан бугунги кунда театр санъатининг аҳамияти ниҳоятда юксак ва масъулдир.

Мустақиллик даврида барча соҳалар қатори театр санъатида ҳам ўзгаришлар юз берди. Театрларнинг давлат бюджети томонидан таъминланиши ўзгармаган ҳолда, давлат уларнинг нафақат ижодий, балки тижорат соҳасидаги ишларини ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Янги театр бинолари қурилиши, таъмирланиши, зарур жиҳозлар, транспорт воситалари билан таъминланиши, театр арбобларининг давлат мукофотлари, фахрий унвонлар билан тақдирланиши ҳам ўз фаолиятини ҳалқимиз ижодида ва жаҳон санъатида мавжуд халқчил услублар ва оқимлар асосида қуриш, тарихий ва замонавий мавзуларни саҳналарда акс эттиришда реалистик тасвирдан тортиб, мажозий тасвиргача бўлган хилма-хил воситаларни ишлатиш йўлидан бормоқда. Яъни ижодий-услубий ранг-баранглик миллий театримизнинг ўзига хос хусусиятларидан бирига айланмоқда. Учинчидан, театрларимиз имкон қадар жаҳон, айниқса, қўшни мамлакатлар санъатида рўй бераётган янгиликларни, ижодий изланишларни кузатиб, улардан илҳомланиб, таъсирланиб келмоқдалар. Бунда мамлакатимизда ўтаётган «Хумо» ва «Театр-саёҳат» каби халқаро ва республика миқёсидаги фестивалларнинг, семинар-кенгашлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Театрларимиз биринкетин жаҳоннинг турли мамлакатларидаги нуфузли фестивалларда қатнашиб, санъатларини муносиб намойиш этмоқдалар.

Давоми тўртинчи бетда.

НИЗОМИЙ ДАҲОСИ ВА ЎЗБЕК ДОСТОНЧИЛИГИ

Боши биринчи бетда.

Фан ва маданият, шу жумладан, адабиёт ривожланган темурийлар даврида Низомий ижодига, хусусан, унинг "Хамса"сига қизиқиш, адабиётда, санъатда монументализмга интилиш ҳар қачонгидан ҳам ортди. Мовароуннаҳрдаги Низомий "Хамса"си мухлисларининг энг каттаси Улуғбек эди. Бу олимлар буюк шоир достонларидаги ҳар байтнинг мағзини чақишга уринар эдилар. Мовароуннаҳрнинг Тароз шаҳрида яшаб фаолият кўрсатган ва 1436 йилда шеърият қоидалари бўйича ўзбек тилида "Фунунул-балоға" номли қўлланма яратган Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий эса ўз асарида шеърий атамалар ва тушунчалар изоҳи учун Низомий достонларидан кўп мисоллар келтирган. Масалан, Низомий "Хусрав ва Ширин" достонини Ҳазаж баҳрида ёзганини алоҳида таъкидлаб кўрсатган:

Мафоийлун // мафоийлун // фаулун

("Солимул-ажзо ва маҳзуфуз-зарб") вазнида ёзилган.

Шайх Аҳмад Тарозий шеърда радиф икки қофиядан иборат бўлиб келиши ("Зулқофиятайни мураддаф")га ҳам мисолни Низомийдан келтирган:

Чунон к-аз хонданаш фаррух шавад рой;
Зи мушк афшонданаш Халлух шавад жой.

Низомий асарлари Ўзбекистонда XIII — XIV асрлардан бошлабоқ кенг тарқала бошлаши, уларнинг назарий жиҳатдан ўрганилиши орқали бу мерос ҳар бир ўзбек хонадонига кириб кела бошлаган.

Хуросонда ҳам Низомий асарлари, хусусан, достонлари қўлёзма нусхаларда кўп кўчирилиши уларга бўлган қизиқишни кучайтириб, рассомлар асар сюжетига мос расмлар чиза бошладилар. Бу ишларга Ҳиротда Шоҳрухнинг адабиёт ва санъатга беҳад берилган ўғли — Бойсунғур Мирзо (1397-1433) алоҳида аҳамият берди. Замондошлари хабар беришича, Ҳусайн Бойқаро Амир Хусрав Деҳлавий "Хамса"сини ғоят севиб ўқиш билан бирга, Низомий "Хамса"сига ҳам бефарқ қарамаган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса аруз вазни ҳақида "Мухтасар" деган илмий тадқиқотини яратар экан, Низомий достонлари юзасидан ҳам фикрлар билдирган.

Яқин вақтларгача бу давр адабиётининг айрим масалалари баҳсли бўлиб келарди. Масалан, "Гул ва Наврўз" достони Лутфийга тегишли дейилар эди. Кейинги изланишлар, хусусан, Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунунул-балоға" асаридаги маълумотлар унинг узил-кесил Ҳайдар Хоразмий қаламига мансуб эканини кўрсатади. Ҳижрий 814 (милодий 1411-1412) йилларда яратилган бу ишқий достон Умаршайх Мирзонинг ўғли Искандар Мирзо (1384-1415)га бағишланган бўлиб, Низомийнинг "Хусрав ва Ширин"достони вазнида ва услубида ёзилган.

Темурийлар салтанати даврида туркий тилдаги, яъни ўзбек тилдаги шеърият биринчи навбатда достончилик соҳасида оёққа тура бошлаган. Ҳайдар Хоразмий "Гулшани асрор" достонини ёзиш учун қўлига қалам олар экан, бунда ҳам Ганжа соҳиби — Низомий Ганжавий унга қандай ёрдамга келганини, Ҳайдар Хоразмий унга қанча ихлос билан ёндашса, Низомий ҳам унга шунча лутф кўрсатганини қуйидагича ифодалаган:

Ганж эшигин очти иноят қўли;
Бошлади тавфиқу ҳидоят йўли.
Ганжанишин орифи соҳиб сарир
Ганж ичининг кунжидин урди сафир.
Ташна сифат бўлдум аёғинда паст.
Журъасидин илди димоғимни маст.
Бу қаро тупроққа қилиб журъа рез,
Лутф била тутти қўлумники: — "Хез!"
Турк зуҳуридур очунда бу кун!
Бошла улуқ йир била туркона ун!
Рост қил оҳанги "Наво" у "Ҳижоз",
Туз ётуғон бирла шутурғуни соз.
Турк сурудини тузук бирла туз.
Яхши аёлғу била қўкла қўбиз.
Сўзда менинг таврум эрур дилписанд;
Табъға гулқанд Кибин судманд.
Мен битиган хат била йўнғил қалам.
Мен юруган йўл била ургил қадам.
Чиқма изимдинким, эрур жаъда рост, —
Йўл юрумак бўлса кўнглунга хост.
Нақд сенингдурки, — сазоворсен!
Ганжни сен сақлаки, — бедорсен!..

Мана, Ҳайдар Хоразмий Шарқ Ренессанси дарғаларидан бири — буюк Низомийни, унинг шеъриятини, аҳамиятини ўз даври маънавиятидан келиб чиқиб қандай тушинган ва қабул қилган! Бу сатрдан Ҳайдар Хоразмий чин ватанпарвар ўзбек шоири сифатида миллати учун, миллий адабиёти учун Уйғониш даври келганини чуқур англаган.

Халқи, ватани тараққиётини ўйлаб "бедор" яшаган ва қалам тебратган Ҳайдар Хоразмий "Гулшани асрор" достонини биринчи навбатда Низомийнинг "Махзанул-асрор" асаридан андоза олиб яратди.

Шоир бу асарини Низомий қўллаган вазн ва услубда яратар экан, юқори шеърий жозиба билан мамлакат бутунлиги, адолат, хулқ-ахлоқда олижаноблик, одамийлик, раҳмдиллик, меҳнатни улуғлаш, ҳаётдаги иллатларга нафрат билан қараш кераклиги ҳақидаги ғояларни илгари сурди. Унинг номини Алишер Навоий "Муҳокаматул-луғатайн" асарида ҳурмат билан тилга олиши бежиз эмас.

Низомий Ганжавий, айниқса, Алишер Навоий ижодиётининг юзага келиши, унга кўрсатган ҳаётбахш таъсири масаласида даҳо шоир, улуғ мутафаккир сифатида бутун салобати билан яққол гавдаланади. Навоий Низомийни ўз сўзларининг кучқудрати билан "сўз мамлакат"ларини ўз атрофига бирлаштирган шоир сифатида таърифлаган.

Навоий жуда эрта — 18-20 ёшларидаёқ ғоят истеъдодли шоир сифатида танилиш билан бирга улуғ эпик шоирлардан Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий ҳамда Хусрав Деҳлавий хамсаларини ҳам ўқиб, чуқур ўзлаштира бошлаган эди. Яъни у яқин келажакда фақат лирик шоир сифатида эмас, балки достоннавис сифатида ҳам ўз истеъдодини намоён этиш орзуси билан яшай бошлаган. Масалан, у 23-24 ёшларида Абусаид тазйиқига учраб Ҳиротдан Самарқандга кетишга мажбур бўлганида, у ердан устози — Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган машҳур шеърий мактубида ўзининг бу хусусдаги мулоҳазаларини баён қилгани ғоят эътиборга сазовордир.

Навоий сатрларини ҳозирги тилимизда насрий йўл билан шундай баён этиш мумкин:

"Бу туркий тилда шеър ёзила бошлаган замондан бошлаб, фалак менга тенг келадиган шеърий истеъдод эгасини, назмда Низомийга ўхшаган кучли шоирни кўрмаган. Мен ўз дардли шеъларимни ёзишга киришсам, унинг ҳар бир сўзи пок бир дурга қиёс этгуликдир. Менга Тангрим бу соҳада шундай куч-қувват берганки, дилимга келган гапларни ёзиб улгуролмайман. Шеърият майдонида ҳақиқий паҳлавон Фирдавсийдирки, у тасвирлаган Рустам бунга ёрқин далил. У шундай бир қутлуғ "Шоҳнома" деган асарни яратдики, у билан тенглашмоқчи бўлган барча қаламлар синди. Унинг бу ишига ҳамма тан бериб, ҳар ким ҳам у билан баҳслаша олмайди. Бу сўз хазинасининг эгаси ўз тили билан: "Мен ўттиз йил бу "Шоҳнома"ни яратиш ранжини тортдим!" деган. Агар мен шундай асар яратишни хоҳласам, менга Оллоҳ шунча куч-қувват берганки, нутқим қанча сусткашлик кўрсатмасин, у ўттиз йилда ёзган нарсани ўттиз ойда ёза олгумдир. Уни бошдан охирига қадар шеърий санъатнинг энг қийин турлари — "Хоса маъни" ва "Эҳом" билан ёзганимда ҳам ҳар куни юз байтдан ёзиш менинг учун ҳалво ейиш билан тенгдир".

Бу сатрлардан аввало шундай хулоса чиқадики, Навоий туркий тилда "Хамса" яратиш ҳақида жуда эрта ўйлай бошлаган. Иккинчидан, агар бу ишга киришса, унинг олдида икки йўл турарди: Фирдавсий "Шоҳнома"си изидан бориш керакми ёки Низомий "Хамса"си йўлиданми? Кейинчалик бу муаммо Низомий фойдасига ҳал бўлган.

Учинчи хулоса шундан иборатки, агар Навоий учун қулай тарихий шароит мавжуд бўлганида, у "Хамса" ёзишга 40 ёшдан ошганда эмас, балки 25-30 ёшларда ҳам киришиши мумкин эди.

У ўз "Хамса"сини 1483 — 1485 йилларда, яъни икки йил ичида ёзиб тугаллагани унинг чиндан ҳам феноменал, яъни фавқулодда шеърий қобилиятга эга бўлганини кўрсатади. Чиндан ҳам Навоий кейинчалик туркий тилда "Хамса" ёзишга киришганда, беш достондан иборат бу буюк асарни 1483-1485 йиллар орасида яъни икки йилда ёзиб тугаллаган — сўзининг устидан чиқа олган. Достончиликда Низомий унга йўлчи юлдуз бўлган. Низомий "Хамса"си ўз даври ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётининг қомуси бўлгани каби Навоий ҳам Рустам каби афсонавий қаҳрамонларни қуйлашдан ўзини тийиб, ўз даври кишилари ҳаёти ва ички дунёсига яқин тарихий ва жонли мавзулар бўйича қалам тебратишни афзал кўрди. У ҳеч бир достонида Низомийдан узоқлашмади. Ҳар бир асарини Низомийга мадҳ билан бошлаб, унинг анъаналарини ўзи учун муқаддас ҳисоблади.

Лекин Навоий Низомийни такрорлаш йўлидан бормади. Бунда у ҳар бир масалага ижодий қараган, ўз нуқтаи назари билан, ўз эли ва юрти манфаатларидан келиб чиқиб ёндашган. Баъзи масалаларда у билан қаттиқ мунозарага киришган ҳоллари ҳам бўлган.

Масалан, Низомий "Хусрав ва Ширин" достонига айш-ишратни севувчи, енгил табиат ҳукмдор Хусравни бош қаҳрамонлардан бири қилиб олган. Навоий эса ишқ мавзуидаги "Фарҳод ва Ширин" достонига қаҳрамон жангчи, билимдон ва ҳунарманд, чин ошиқ Фарҳодни танлаган. Хусравни эса салбий тимсол сифатида тасвирлаган. "Сабъаи сайёр" достонида Навоий Низомийнинг "Ҳафт пайкар" достонидаги Баҳром тимсолидан қаноат ҳосил қилмаган. Низомий "Искандарнома" достонида қадим юнон фотиҳи Искандар (Александр Македонский)ни ҳам подшоҳ ва жаҳонгир, лашкарбоши, ҳам пайғамбар сифатида тасвирлаган. Навоийнинг бунга жавобан ёзган "Садди Искандарий" достонида Искандарнинг пайғамбарлиги туширириб қолдирилган.

Умуман ўзбек адабиёти ривожида, хусусан, Навоий "Хамса"си туфайли жаҳон адабиёти юксаклигига кўтарилишида Низомийнинг роли беқиёс.

Ўзбек достончилигининг Навоийдан кейинги давр тараққиётига ҳам Низомий катта таъсир кўрсатишда давом этган. Масалан, XVIII асрнинг Хоразмдан чиққан истеъдодли шоирларидан Муҳаммадниёз Нишотий ўзининг машҳур "Ҳусну Дил " номли мажозий достонининг ёзилиш тарихи ва бунинг сабаблари ҳақида сўзлар экан, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ҳамда Навоий қаторида Низомий Ганжавий номини ҳам катта ҳурмат билан тилга олади.

Улуғ сўз устаси Низомий номи ҳамма вақт тилимизда, унинг "Хамса"си эса доим дилимизда.

Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ

УСТОЗ ИБРАТИ

ҚАЛБ ВА ҚИЁФА



Шундай ҳақиқатлар борки, улар китобхон онги ва руҳиятида катта ўзгаришлар ясайди, уни ўйлашга, фикр юритишга, ҳаёт ҳодисалари, инсон кечинмаларини чуқур таҳлил этишга, ундаги ўзгаришларнинг туб моҳиятини тўғри тушунишга ёрдам беради. Озод Шарафиддинов тадқиқотлари ана шундай таъсир ва жозиба кучига эга.

Анчадан бери устоз Озод Шарафиддинов ҳақида кўнглимдаги гапларни ёзишга журъат этолмай юрардим. Яқинда у кишининг Абдулла Орипов ҳақидаги эссесида шундай сатрларни ўқиб қолдим: "Ҳар гал бу ишга киришмоқчи бўлганимда, бу шеърият қаршисида қаламимнинг бениҳоя ожизлигини ҳис қилардим". Албатта, бу эътирофдан Озод Шарафиддиновнинг қалами ожизлигини эмас, балки 60-йиллар ўзбек шеъриятида янги бир даврни бошлаб берган, ҳақ гапларни юракларни нурафшон этувчи оташин нафас, услубий бетакрорлик билан қуйлаган шоир ижодининг фавқулодда жозибадорлигини чуқур ҳис этиб, унга меҳр қўйган улкан қалбнинг изҳори эканлигини тушунамиз.

Озод Шарафиддиновнинг катта жасорат билан босиб ўтган мураккаб, машаққатли ҳаёт йўли, қоядай мағрур ва ўктам сиймоси мени доим ҳайратга солар, фикримни чулғаб олар эди. Бунинг устига беназир шоир Абдулла Ориповнинг у кишига бағишланган саккиз сатрли "Мувашшаҳ" шеъри ўй-фикримни янада жонлантирди, устоз олим ҳақида ёзишга илҳомлантирди.

Ҳажман кичик бу шеърда лирик қаҳрамон ҳолати эътиқоди мустаҳкам, ўзини юрт ва юртдошлари ғамташвишларидан айрича тасаввур қила олмайдиган, адабий-эстетик, фалсафий, реалистик қарашлари тўла шаклланган, қалби инсоний меҳр-муҳаббатга тўла, эркин ижод қилишга ташна шахснинг жамиятдаги ўрнини, жасоратли фаолиятини чуқур ифодалайди. Шўро даври мафкураси қанчалик шафқатсиз бўлмасин, ҳақиқатга ташна Озод Шарафиддинов каби шахсларни бутунлай маҳв этишга ожиз эканлигини шеърнинг ички руҳидан, яъни беором Шамолнинг тинимсиз эсишию аламли изтиробларини ичига ютиб, эртанги ёруғ кунларга умид боғлаб ётган тоғларнинг ишончли сукунатидан сезиш қийин эмас.

Ҳар гал Озод Шарафиддинов каби инсонларнинг жўшқин ҳаёти тўғрисида ўйлаганда, заҳматкаш халқимизнинг эзгу мақсадлари, озод ва мустақил ҳаёт учун сабр-чидам билан олиб борган кураши тарихи кўз ўнгимизга келаверади.

60 — 70-йиллар ўзбек зиёлилари орасида Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек сингари улуғ адибларимиз ёқиб кетган миллий тафаккур машъаласини аланга олдириб, уни юксакларга кўтариб яшашга интилган Озод Шарафиддиновдек фидойи ижодкорларга хос фазилатлар, аввало, уларнинг оилада олишган тарбияси билан ҳам боғлиқ. Чунки Озод Шарафиддинов мурғак ёшидан тўғри тарбия кўрди, оқни оқ, қорани қора деб дейиш мумкин. Оналари Зубайда ая, бувилари Тошбиби буви фарзандларини еру кўкка ишонмай, катта орзу-умидлар билан вояга етказдилар. Зубайда ая ҳамма нарсага қизиқувчан, зийрак, эзгуликка интилиб яшаган инсон эди. Зубайда ая улкан орзулар билан озод юртнинг озод, ҳур фикрли фарзанди бўлиб етишсин, дея фарзандига Озод деб исм қўйганди. Устоз қалбидаги самимийлик, табиийлик одамларга меҳр, ҳаёт гўзаллигини юракдан ҳис этиш, уни дилдан севиш, ҳақиқат ва адолат туйғулари, шу тариқа, жуда эрта уйғонди, десак хато бўлмайди.

Озод аканинг ўқувчилик даври 30-йилларнинг ўрталарига тўғри келган. Бу даврда ижтимоий ҳаётда, айниқса, мафкуравий кураш кескин тус олганига қарамасдан, ўзбек ёзувчи ва шоирлари турли жанрларда хилма-хил асарлар яратибгина қолмай, рус ва Ғарб ижодкорларининг сара асарларидан ўзбек китобхонларини баҳраманд қилишга улгурган эдилар. Бу асарлардаги ҳаяжон, изтироб, қувонч ва шодликларга тўла инсоний кечинмалар, гўзаллик ва ёвузлик ўртасидаги курашлар энди куч-қувватга тўлиб келаётган қизиқувчан ёшлар учун ўзига хос мактаб бўлганди. Озод ака шу имкониятдан эҳтиёжи даражасида фойдалана олган.

Албатта, Оллоҳ ато этган табиий хислатлар ўз-ўзидан қанот ёзиб, шаклланиб кетавермайди. Бунинг учун заҳмат чекиб, кўз нури, юрак қўрини аямай, тинимсиз ўқиб-ўрганиш, китоблар саҳифаларига сингдириб юборилган ҳақиқат сирларидан воқиф бўлиш керак. Озод Шарафиддинов китоб мутолаасининг ана шу машаққатли томонларини енгиб, ундан роҳатланиш, фикран бойиш, ич-ичидан беқиёс завқ-шавққа тўлиб яшаш бахтига муяссар бўлган инсонлардан бири сифатида танилди. Миллий университетдаги талабалик, Москвадаги Жаҳон адабиёти институтидаги аспирантлик йиллари у киши учун мисоли ўрганди. У киши таваллуд топган оилада самимият ва меҳр-мурувват ҳукмрон эди. Бўлажак олим қалбига ана шу самимият ва меҳр она сути билан кирган, бўлоқнинг кўзини очиб юборгандай бўлди, фикр ва туйғулари, эстетик ва ижтимоий, фалсафий қарашлари камол топиб, замондош ижодкорлар ҳақида ҳақ гапларни юксак самимият билан айтишга ғайрат, куч-қувват бағишлади.

Бу ўринда мен Озод Шарафиддинов яратган кўплаб илмий асарларни, дарслик ва қўлланмаларни, мақолаларни, публицистик асарларни, турли китобларга ёзган тақризларни, давра суҳбатларидаги ёрқин фикрларию ҳар хил йиғин ва учрашувдаги оташин нутқлари, катта завқ билан самимий битилган эсселарини, жаҳон адабиётининг энг сара бадиий, илмий, фалсафий, тарихий-биографик асарларидан таржималарни бирма-бир санаб ўтмоқчи эмасман.

Назаримда, Озод Шарафиддинов ҳақида, у кишининг адабий-эстетик қарашлари, ижтимоий фаолияти тўғрисида ўйлаганда, қуйидаги муҳим хислатларга алоҳида эътиборни қаратиш зарур, деб ўйлайман. Биринчидан, Озод Шарафиддинов барча улкан истеъдод эгалари сингари қалби инсоний меҳрга бой шахсиятдир. Мана шу жиҳат баркамол шахсиятнинг бошқа барча истеъдод қирралари, инсоний фазилатларини тушуниш ва англаш учун асосий калит вазифасини ўтайди. Чунки том маънодаги поклик ва меҳр-муҳаббат туйғуси билан йўғрилган шахсгина катта ижодкор сифатида майдонга чиқиши, асарларида бу хислатлар янада ёлқинланиб, китобхонларни меҳригиёдай ўзига тортиши мумкин. Озод ака ана шундай олим ва ёзувчи. Буни у кишининг катта шовшувларга сабаб бўлган "Замон — қалб — поэзия", Абдулла Қаҳҳор ижодига доир "Истеъдод жилолари", "Биринчи мўъжиза", "Талант халқ мулки", "Чўлпонни англаш", "Шеърият қалб ёлқини" каби кўплаб асарларида кузатамиз. Ҳатто у киши кескин танқидий асарларида ҳам зардали ҳукм эмас, пок ният, қаҳр-ғазаб эмас, афсус билан айтилган меҳр аниқ сезилиб туради.

Иккинчадан, Озод Шарафиддинов истеъдодининг ёрқин қирраларидан яна бири таҳлилга олинган ҳар қандай асар ҳақида жуда нозик ва ўткир дид билан асосли ва зарур хулосалар чиқариб, англанган ва ҳис этилган ҳақ гапни баралла ва самимий айта олишида кўринади.

Озод Шарафиддинов кичик тақризлару катта, назарий ва ҳаётий умумлашмаларга бой асарларида фақат ижодкор истеъдодининг даражасини кўрсатибгина қолмай, китобхоннинг ҳам бадиий-эстетик дидини шакллантиришга, уни асарлардаги гўзалликдан бахраманд этишга алоҳида эътибор қаратади. Шу орқали ўқувчида бадиий асарга нисбатан меҳр уйғотади, уни севишга ўргатади. Атоқли олим истеъдодининг яна бир муҳим қирраси — ҳақиқатпараст Озод Шарафиддиновнинг табиатида узоқ йиллар давомида шаклланиб, ҳаётий эҳтиёжга айланган, асарларининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқадиган даъватқорлик руҳидир. Бу хислат у кишининг оддий инсоний муносабатларида ҳам аниқ кўринади. Масалан, Озод акани юртимиз гўшаларининг ажиб табиати ҳайратга солса ёки кимдир қандайдир фазилатлари билан ёқиб қолса, таассуротларини ўрни келганда рўй-рост ёзади ва айтади. Ўша жойни, ўша кенгфеъллли, билимдон, имон-эътиқоди бут инсонларни кўринглар, уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлинглар, дегандай, тўлиб-тошиб, қувониб гапиради. Ана шу самимий ва жўшқин даъват устознинг ижодида кучли, таъсирчан акс этган. Бу фикримизнинг исботи сифатида у кишининг "Адабиёт ҳаёт дарслиги", "Гўзаллик излаб", "Ҳақиқатга садоқат", "Ҳаёт билан ҳамнафас", "Истиқлол фидойилари", "Кулганлар бошқалар йиғлаган менман", "Сардафтар саҳифалари" каби кўплаб асарлари, ҳатто таржималаридаги ибратли даъваткорликни эслатиш мумкин. Жан Пол Рунинг "Амир Темур", Ян Парандовскийнинг "Сўз кимёси", Н.В.Гоголнинг "Ал-Маъмун", Л.Н.Толстойнинг "Шекспир ва драма тўғрисида", С.М.Голициннинг "Омон қолган одамнинг дафтари", Пауло Коэлонинг "Алхимик" асарлари таржимаси ҳам бунга мисол бўла олади. Қолаверса, бу рух "Жаҳон адабиёти" журналига ҳам тўлиқ кўчган. Журналда эълон қилинган кўплаб асарлар бунинг далили.

Озод Шарафиддиновга хос кучли ва таъсирчан даъваткорлик кишиларни фақат бадиий адабиётнинг қудратини, илмий ҳақиқатлар моҳиятини англашгагина чорлаб қолмай, замондошларни меҳнат қилишга, ҳаётда ақл-заковат билан ўз ўрнини топишга, ҳалоллик ва покликка етаклайди.

Устознинг бой маънавий қиёфасини, кенг дунёқарашини англаш учун у кишига хос бўлган чуқур маъноли юморни алоҳида қайд этиш зарур, деб ўйлаймиз. Бунга фақат битта ҳаётий мисол келтириш билан чегараланамиз.

1972 йили ёзда ҳозир Самарқанд Давлат университетида ректорлик вазифасини бажарувчи Муслиддин Муҳиддинов Ургутнинг шундай бикинида жойлашган Мерганча қишлоғидаги ҳовлисига таклиф этди. Озод ака бу илтифотни мамнуният билан қабул қилиб, Абдуғафур Расулов, Бегали Қосимов ва мени бирга олиб борди. Овқатдан сўнг, одатга кўра, дастурхонга қовун тортилди. Озод ака, қовун ширин бўлишига қарамай, икки карч олиб, қўлларини артаётганларида мезбонлардан бири у кишига қараб:

— Домла, қовундан емадингиз. Тарвуз сўйиб келайми? — деб қолди. Шунда Озод ака мийиғида кулимсираб:

— Ука, керагича едик, раҳмат. Мен дунёдаги жамики қизил нарсаларга қаршиман. Шунинг учун тарвуз сўяман деб овора бўлманг, — деди.

Ўша пайт Озод аканинг бу гапига ҳаммамиз кулдик. Лекин кейин бу ҳазил гапнинг маъносини ўйлаб кўрсам, у киши бир жумлада шўро давлатининг сирти ялтироқ, ичи қалтироқ қизил шиорлари, кўзни қамаштирувчи жимжимадор, баландпарвоз чақириқларигагина эмас, умуман, социалистик тузумга нисбатан ишончсизлик ва нафратини ифодалаган экан.

Қисқаси, Озод Шарафиддинов ўзининг эллик йилга яқин ижодий, ижтимоий фаолияти давомида улуғ ижодкору алломалар ҳаётига, улар қолдирган турфа маъноларга бой маънавий меросга ҳавас қилиб, тунларни кунларга улаб ўқиб-ўрганиб, улардаги олмосдай нурли фикрларни мисқоллаб йиғиб, халқимизни баҳраманд этиб келаётган заҳматкаш, иродаси мустаҳкам, мустақил ва озод Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган улуғ шахс, баркамол инсондир. У кишининг шахси ва фаолияти барчамизга ибрат мактаби бўлиб келмоқда. Умрингиз қоядай боқий бўлсин, устоз!

Қодир ПИРМАТОВ,
Жиззах давлат педагогика институти доценти

НАВРЎЗ ШУКУҲИ

МИЛЛИЙ ТЕАТРИМИЗ СОЛНОМАСИ

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИНГ

Ўзбекистонда театршуносликнинг фан сифатида шаклланишида ва камол топишида умрининг 90-баҳорини қаршилаётган академик Мамажон Раҳмоновнинг илмий-амалий фаолияти беқиёсдир.

Мамажон Раҳмонов профессионал режиссурамиз отаси Маннон Уйғурдан тортиб, атоқли театр арбоблари билан ҳамнафас бўлган тадқиқотчидир. Шу боис олимнинг китоб ва мақолалари, тақризлари бой мазмуни, аниқ фактлари билан катта қизиқиш уйғотади.

XX аср ўзбек театри тарихига янгича ёндашувни ҳам Мамажон Раҳмонов 2001 йили босмадан чиққан "Ҳамза" (Ўзбек давлат академик драма театри тарихи. Биринчи китоб. 1914-1960 йиллар) китоби билан бошлаб берди. Шўролар даврида ўзбек театри босиб ўтган серқирра ва мураккаб, қарама-қаршиликларга тўла ижодий йўл бу китобда ишонарли ва мантиқий даврлаштирилган.

Асарнинг мазмун-моҳияти фақат ҳозир "Миллий театр" деб аталаётган собиқ Ҳамза номидаги театр жамоасигагина эмас, балки умумўзбек театри тарихига тааллуқлидир. Беш бобдан иборат асар "Тошкентда "Турон" номидаги биринчи миллий театрнинг ташкил топиши" (1914-1917 й.), "Улғайиш" (1917-1930 й.), "Камолот" (1930-1941 й.) "Театр уруш йилларида" (1941-1945 й.) ва ниҳоят "Урушдан кейинги давр" (1946-1960 й.) каби таркибий қисмларни ташкил қилади.

Китобда ўзбек театри тарихини даврлаштиришда ижтимоий-сиёсий ва илмий заминга таянилган ҳолда ўзбек миллий театрининг туғилиши асосан 1914 йил эканлиги асослаб берилган.

М.Раҳмонов Ўзбек миллий театри илк пойдеворининг қўйилиши "Турон" театрининг майдонга келиши ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги ҳақида батафсил ҳамда ишонарли маълумот беради. Иккинчи боб режиссёр Маннон Уйғур ва издошларининг фидойи ижодкорлиги, Фитрат, Чўлпон ва бошқа драматурглар фаолиятининг уйғунлашуви воситасида ўзбек миллий театрининг 1930 йили Москва Олимпиадасида эришган катта муваффақиятларини қамрайди. Мамажон Раҳмонов ўзбек миллий театри тарихи учун энг муҳим аҳамиятга эга спектакларни асослаб беради. Сабаби, олим уларни кўриш, ижодкорларни яқиндан билиш, кузатиш имкониятларига эга бўлган эди.

"Улғайиш" бобида қимматли тарихий маълумотлар, яқин келажакда жаҳонга донг таратадиган ўзбек театри пойдеворини яратаётган тенги йўқ санъаткорлар босиб ўтган, қарама-қаршиликларга тўла ижодий изланишлар ифодаланган. "Халима", "Абулфайзхон", "Ёрқиной", "Муштумзўр" каби асарлар илк саҳнавий қиёфаларининг батафсил жонли баёни ўзбек театршуослик фани хазинасига қўшилган бебаҳо бойлик, десак арзийди.

"Камолот" бобида "Гамлет", "Отелло", "Бой ила хизматчи", "Холисхон" ва бошқа кўпгина спектаклар муфассал тикланган қиёфалари билан ёритиладики, уларнинг ҳар бири ўзбек театри тарихидан ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилишга қодир. Ўз даври учун долзарб бўлган У.Исмоиловнинг "Пахта шумғиялари", Зиё Саид ва Назир Сафаровнинг "Тарих тилга кирди", З.Фатхуллиннинг "Ниқоб йиртилди", К.Яшиннинг "Номус ва муҳаббат" каби спектакларини домла ўз кўзи билан кўргани боис, уларнинг режиссураси, актёр ижрочилиги, саҳна безаклари ва бошқа хусусиятлари ўқувчи кўз ўнгида аниқ жонланади. Бу асарларни эндиликда қайта саҳналаштиришга эҳтиёж йўқ, бироқ улар санъат тарихининг воқеалари сифатида қимматли.

Уруш даври театри воқеалари ҳам Мамажон Раҳмонов томонидан далиллар асосида ёритилган. Бу йиллар ўзбек театри учун "Муқанна", "Жалолиддин Мангуберди", "Алишер Навоий" каби шоҳ асарлар дунёга келиши факти билан, айниқса, аҳамиятли. "Муқанна" ва "Жалолиддин Мангуберди" саҳнада узоқ умр кўролмади. Бироқ ҳар иккала спектакл томошабинлар онгини ва қалбини забт эта олди. "Алишер Навоий" спектакли саҳна юзини кўриши учун эса кўп машаққатлар чекилди. Бу уч спектакл мазмун моҳияти билан миллий тарихимизнинг энг ёрқин саҳифаларига бағишланган бўлиб, тарихий воқеалар жонли, тирик қаҳрамонлар қиёфасида томошабин кўз ўнгида намоён бўлган эди. Шунинг учун ҳам бу спектакллар театримиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган. Бу асарларнинг саҳналаштирилиш жараёнлари М.Раҳмонов томонидан илк бор тўлақонли ёритилган.

"Урушдан кейинги давр" бобида ўзбек драматургияси, режиссураси, актёрлик санъатининг эътиборга лойиқ муваффақиятлари, камчиликлари ҳар томонлама чуқур очилган.

Мамлакатнинг етакчи театри мисолида умумўзбек театр санъатининг ярим асрлик ижодий йўли ўзига хос тарзда, далиллар билан ёритилгани учун ҳам китоб қизиқиш билан ўқилади. Унда одатда бўладиган хулоса қисми йўқ. Эҳтимол, махсус хулоса боби яқинда чоп этилажак иккинчи китоб таркибига киргандир. Шунинг учун 1914-60 йиллар театр жараёни ҳақида ҳикоя қилувчи биринчи китобга нисбатан айрим эътиборларни билдириш номувофиқдек туюлди. Зотан, иккинчи китобда "байналмилал сиёсат" туфайли миллий театримизга русийзабон режиссёрларни зўрлаб тиқиштириш оқибатида ўзбек театри йўқотиб улгурган, ҳануз тиклай олмаётган тил бойлиги ҳақида, эллигинчи йилларнинг биринчи ярмида М.Уйғур ва Е.Бобожонов каби миллий театр асосчилари ишсиз қолганликлари, театрда носоғлом муҳит ҳукм сурганлиги ҳақида ҳам батафсил маълумотлар баён қилинар. Бу йўлда устозга куч-қувват ва сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Тоир ИСЛОМОВ

ДИҚҚАТ! ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Халқаро Амир Темур жамғармаси ва Темурийлар тарихи давлат музейи соҳибқирон Амир Темур сиймосига бағишланган энг яхши шеър танловини эълон қилади. Танлов уч босқичдан иборат. Якуний боскич соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги кунларида ўтказилади.

Танловнинг ҳар учала босқичида ғолиб деб топилган шеърлар соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун — 9 апрелда Соҳибқирон ҳайкали пойида ўқилади.

Танловга тақдим этиладиган шеърлар матни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Шеърият кенгашида қабул қилинади.

Манзилимиз: Мустақиллик майдони, Ж.Неру кўчаси, 1-уй.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши шеърий (шеърий туркум ва достон) ва насрий (ҳикоя ва қисса) асарлар учун махсус танлов эълон қилади. Танловга тавсия қилинаётган асарда Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларининг шаклланиш жараёни, миллий армиямиз, хусусан, сержантлар, аскарлар ва зобитлар ҳаёти, улар қалбидаги мардлик, жасорат, фидойилик ва ватанпарварлик туйғулари ҳаққоний ва юксак бадиий шаклларда акс эттирилган бўлиши керак.

Танлов ғолиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:

Битта биринчи мукофот — 300 минг сўм.
Битта иккинчи мукофот — 150 минг сўм.
Битта учинчи мукофот — 100 минг сўм.

Танловга адабий журналларда эълон қилинган ва алоҳида китоб сифатида нашр этилган шеърий ва насрий асарлар 2005 йилнинг январига қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қабул қилинади. Танлов ғолибларига мукофотлар 2005 йил 14 январ — Ватан ҳимоячилари кунида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида топширилади.

Манзилимиз: Мустақиллик майдони, Ж.Неру кўчаси, 1-уй.

ФАҚАТ ЕЛ ҲИДЛАГАЙ МАЙСАЛАР БЎЙИН



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

Сен — март куни келтирган мисра,
Нохос елда учган соғинч — эрк:
Баҳор этсам уни қалб узра,
Бир умрга етадигандек.

Сен — март куни келтирган мисра,
Ўртанишга, энтикишга шай:
Олиб қолсам шеърларим ичра —
Бахтнинг ўзи келадигандай...

БАРГ

(Елнинг гуноҳи йўқ). Банддан узилдим.
Навдам бир тўлғонди — бор-йўқ афсус шу!
Пирпираб ҳавода сўнг йўл чизилди,
Гарчи сукунатнинг тахи бузилди —
Фарёдвор мақомга етмади қайғу.

Ерда эса кутар абад интиҳо —
Маҳвликнинг захларин бағрига жойлаб...
Мени тутиб борар кафтида Оллоҳ
Авайлаб, авайлаб, авайлаб.

* * *

Мен ўтган умримни шу тоққа сотдим,
Ва унинг кўксида гўдакдай ётдим.

Бу тоғда зилолдир ҳавонинг рўйи,
Фақат ел ҳидлагай майсалар бўйин.

Осмони — зангори, арчаси — кўм-кўк,
Тошлари ҳеч кимга отилгани йўқ.

* * *

Ёлғизлигимнинг
юксаклиги бор —
чиқолмайсан.

Ёлғизлигимнинг
теранлиги бор —
тушолмайсан.

Ёлғизлигимнинг
кенглиги бор —
фақат сенга
тордир.

Ёлғизлигимнинг
ҳеч кими йўқ —
фақат Парвардигори
бордир.

* * *

Осмон кўм-кўк.
Уфқ очиқ —
бошни олиб
кетсак бўлар.

Ё сукутга
чўкиб-чўкиб,
тандан руҳга
ўтсак бўлар.

Бу дунёнинг
тиниқлиги
аралашгач
руҳ ичраким —

ҳасрат кечиб,
армон кечиб —
ўзимизга
етсак бўлар.

МАРТ

Қуёш балқди осмон бетида,
Шамолларга булутлар талош.
Қор эриди. Кўча четида
(Тахминимча, соат иккида)
Қатор томлар қатор тўкди ёш.

Ер тагидан илоҳий соғинч —
Шиддат солиб илдизлар аро —
Куртакларга етишди нотинч:
— Кўкар! Тезроқ бўлсанг-чи барпо!

О, қаердан озодлик тушди,
О, очилди кимнинг қафаси,
О, қай зарбнинг эрка нафаси? —
Йўлаклардан қушлардай учди
Баланд пошна туфлилар саси.

Ҳаёт билан май ичдим бугун,
Энг чиройли қўшиқлар бошлаб.
У мен билан қуйлади узун,
Кўчаларда кезаркан, мажнун
Қўлларини елкамга ташлаб...

* * *

Руҳимда тўрт фасл бирдан юз очди —
изғиди юракда турфа ҳаракат:
бу дахшат тўқнашда ўзимни очдим —
яна қайта очдим. Сўнгсиз маҳобат —

Армон тўфонида тўзғиди жоним,
қору гул, кузагу ёзга қоврилиб.
Фақат улкан тортди соғинмоқ они —
бенажот шиддатнинг йўлсиз оғриғи.

Сабр бу йўлсизлик ўтган работдир.
Жонимни ўртайди ундан-да юксак
чидамлар. Ғамларим энди ободдир,
фақат бир вайронлик жисмимда — юрак.

О, соғинч!.. Ғамидан нур ёққан очун!
Абаддан узундир йилларинг, ойинг...
Мен яна дунёдай ўзимни очдим —
нақадар чексизман... Худойим!..

***

Яна бир умрни яшадим. Яна
бу севги яратиб мени қайтадан,
қайтадан ўлдирди. Пинҳон рисола —
ғуссамни шамолга энди айтаман.

Қушларга қўшилиб сайрамас лабим,
саратон тафтингсиз қўлларим муздир —
чўзсам, очилмайди гуллар чамани —
наздимда, жон гулин тийрамоҳ узди.

Аста бораяпман тупроққа сингиб —
бошқа бир ҳаётта жисмим қоришди.
Ғуссада юрагим бораркан тиниб,
тунингдан оғир нур ичра ёришдим.

Аммо мангуликда юракнинг доғи,
сиғмайди ҳасратинг ўткинчи додга.
Севгининг ўлими — ўлимдан оғир:
ҳаётга ўхшар у, айни ҳаётга.

МАҚОМ

Холи бир чорбоғда (август оқшоми)
боғу қўлка билан ўзини тўсиб,
бир кулба мусиқа тинглади. Коми
шуҳид онларни — эҳтимол — чўзиб.

Дераза юзига пардалар тортди,
нурларни ромларга солди — мулойим.
Жаъми руҳи билан ўзига ботди —
кулба — ижод каби — қиёмат қойим.

Мусиқа узлуксиз кабутар монанд
учиб, қайтаётир фалакдан ҳар он:
юрак Тангри билан тузмоқдами аҳд —
дардини юзма-юз этмоққа баён.

Мусиқа тинглади — ўртаниб — кулба,
туннинг елкасига босиб манглайин.
Оҳиста-оҳиста ғарқ бўлди мунгга —
хоналар оҳангга айланган сайин.

Танҳолик дунёдай кўкарди беҳуд,
ваҳи эшиттандек оғриб уринди.
Бу кулбада кимдир жон берди, ёхуд
кимдир ингроқ ичра қайта тирилди.

***

Ойдан омон қолган
қайиқ сузиб чиқди
урилди булутлар соҳилларига.
Ғоҳ чўкди, ғоҳида қамални бузиб чиқди
ўралиб ёғдунинг кокилларига.
Кеча эса юмшоқ саратондан кейин,
Жонга ором кирар
шамолни қучсанг...
Биламан, бу ҳолат жуда ҳам қийин —
не дейсан,
барибир ёнингга учсам?
Туннинг бор ёғдуси томирига жам,
Қанот чиқармоқда юрак — энтикиб.
Сен эса
хўрсиниб ухлаяпсан,
Кечанинг эшигин беркитиб.

***

Дилни ойдай айландинг,
Кўмилдим ойдинликка,
Кунларим — ёрқинликда;
Ишқинг шундай байрамким —
Арзийман ёлқинликка!

Ёруғман. Миямдан то
Руҳга қадар равшанлик.
Умримга тўкис шанлик
Қисмат айлади иншо:
Юрагим толе янглиғ —
Бахтга етдимми, ёр-о?

Ўралади бўйнимда
Ойнинг оппоқ билаги.
Ушалди бор тилагим...
Бахтнинг қўлидан ўпиб,
Келаяпти йиғлагим.

***

Юрагимни мавжлар чўлғаган:
Ҳар заррамда уринар ҳаёт
(Бунёд — барбод — йўқотиш — нажот...),
Сезаяпман — ошкор унмаган,
чўккан кифтларимга қўнмаган —
Қанот бор... Ҳа, менда бор қанот!

Қўрганим йўқ, сезганман холос,
учирганда танни шамоллар,
кўринганда олис камоллар...
Қанотдан ҳам воз кечган парвоз
шиддат ичра айтганида роз —
ё ҳамроҳим бўлди бу ҳоллар?

О, сен ҳақда ўйларим нафас
каби ҳар он жондир жонимга.
Сенсиз қолган бу жаҳонимда
қанотсизлик билан тушдим баҳс...
Парвардигор, судралиб эмас,
учиб боргим келар ёнингга.

***

Сочилди оппоқ қор устига барглар.
Бир дам суҳбат қурди дарахт тагида
Қузу қиш. Фасллар учрашган вақтлар
Неларни сўзлашар? Нима ҳақида?
Сўнг бор ҳам фожени, қара, йўқладим:
Боғда — дарахтларнинг жам ўлкасида
Айланиб юраркан, келиб тўхтадим
Қузу қиш видосин нақ ўртасига.
Арз этмоқ шартмикан аммо доғлардан,
Зотан қисматларни дунё ечганда:
Қувғинди бўлганди кузак боғлардан,
Қишнинг барча они мендан кечганди.
Сен — ёшсан: ўйлайсан — юз йилдир аср;
Фасл—тўрт; ҳафтада кунлар—еттита...
Сени мангуликдай соғиндим ҳозир —
Бир они қолмаган умрим четида.

***

Тийрамоҳ бу оқшом май ичди,
Девона бўлдилар нечалар.
Севгилим, ҳолингиз не кечди
Хазонлар гуллаган кечалар?

Тийрамоҳ бу кеча рақс тушди,
Хазонрез беллари чўлғониб.
Севгилим, япроқдай руҳ учди,
Сиз йўқсиз, қараса, уйғониб...

Тийрамоҳ бу кеча базм тузди,
Жилмайди, ёшини артмасдан.
Севгилим, бахтингиз ким бузди,
О, ҳануз кетяпсиз қайтмасдан?

Тийрамоҳ, тийра оҳ не учун?
Куйладим юракнинг борича!
Севгилим, қайтсангиз —
бу кўнглим
Баҳорга дарича, дарича...

ЎЗБЕКЛАР ВА ДУНЁ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИСТАНБУЛДА

"Ўтган кунлар" романи муаллифининг шуҳрати ўз юртининг чегараларини ҳатлаб ўтиб, туркий маданият олами бўйлаб кенг ёйилган.

Яқинда Истанбулда Буюкшаҳар баладияси культур ишлари бошқонлиги ўзининг анъанавий "Турк дунёсининг юлдузлари" туркумидаги кечаларидан бирини улуғ ўзбек адиби Абдулла Қодирий туғилган куннинг 110 йиллигига бағишлади.

Мазкур бошқонлик бир неча йилларидан бери туркий халқлар маданиятининг Узайр Ҳожибеков, Султон Ғалиев, Чингиз Айтматов, Ўлжас Сулаймонов, Тўламуш Акеев, Анор сингари машҳур намояндаларига бағишланган кеча ва учрашувларни мунтазам ўтказиб келмоқда. Ана шундай кечалардан бири ўтган йили атоқли ўзбек кинорежиссёри Шухрат Аббосов ижодига бағишланган ва шу муносабат билан ватандошимизнинг энг яхши филмлари Туркия телевидениеси орқали намойиш этилганди.

Бошқонлик жойлашган бинонинг каттагина даҳлизи учрашув сабабчиси бўлган ижодкорга атаб чиқарилган портрет-плакатлар билан безатилган ва бу ерда бўлган киши ўзини бирор музейга кириб қолгандек ҳис этиши ҳеч гап эмас.

Шу йил февраль ойининг сўнгги кунлари мазкур галерея яна бир сиймо — Абдулла Қодирий портрети ва унга бағишланган плакатлар билан бойиди.

Ёшқонлик раҳбарларидан бири профессор Тавфиқ Исмоил — таниқли озарбойжон кинорежиссёри. У ўн йилдан бери Туркияда яшаб, ишламоқда. Бу серғайрат олим ва санъаткорнинг ташаббуси билан А.Қодирийнинг хотира кечасига Ўзбекистондан кинорежиссёр Шухрат Аббосов ва филология фанлари доктори Наим Каримов таклиф этилди. Кеча улар олиб борган бадиий ва ҳужжатли филмлардан бири — марҳум истеъдодли кинорежиссёр Баҳодир Музаффаровнинг ўзбек адибининг фожиали тақдири тасвирланган "Руҳ" филми намойиши билан бошланди. Шундан кейин Наим Каримов, Шухрат Аббосов, бошқонлик мутасаддиларидан Тавфиқ Исмоил, Осман, Ҳакан Ёвуз Демир, Истанбулдаги консулхона раҳбари Ойбек Раззоқов ва бошқалар Абдулла Қодирийнинг ўзбек адабиёти ҳамда санъати тараққиётида тутган ўрни, фожиали тақдири, "Ўтган кунлар" романининг туркий халқлар адабиёти тараққиётига таъсири тўғрисида жўшиб сўзладилар. Кеча охирида "Ўтган кунлар" романи асосида атоқли ўзбек кинорежиссёри Йўлдош Аъзамов суратга олган бадиий филм кўрсатилди.

Расмий қисмдан кейин турк зиёлилари ва Истанбулда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан адиб ҳақида самимий суҳбат бўлиб ўтди.

Бошқонлик ташаббуси билан шаҳар автобусларига ёпиштирилган Абдулла Қодирий портрети шу куни Истанбулда ўзбек адибининг хотираси эъзозланаётганини шаҳар аҳлига маълум қилиб, уларни ушбу кечага таклиф этган.

Нодир КАРИМОВ

МАЪНАВИЯТ, МОДЕРНИЗМ ВА АБСУРД

Бу уч нарсани бир-бирига қиёслаб таҳлил ва талқин қилиш бугунги адабий жараённинг долзарб мавзусига айланаяпти.

Гапни инсонга хос маънавий изланишлардан бошлайлик. Геологлар тоғу чўлларни кезиб қадри паст, арзимас нарсаларни эмас, қадри баланд, қимматбаҳо нарсаларни излашади. Шунга ўхшаб, инсондаги маънавий изланишлар ҳам унга азиз туюладиган, руҳий эҳтиёжларини қондирадиган неъматларга қаратилади.

Бутун табиат қуёш нури билан тирик. Аммо инсон қуёш нуридан бахраманд бўлиш билан чекланолмайди. Инсон руҳи яхши одамларнинг сўзидан, сиймосидан, ижодидан тараладиган маънавий зиёга ҳам катта эҳтиёж сезади. Чунки ҳам табиий нур, ҳам маънавий зиё билан йўғрилган инсон ҳаётигина баркамол бўлади.

Маънавият — чексиз бир уммон. Шу уммоннинг бир қатраси шахсан менга насиб қилган бўлиши мумкин. Қатрада қуёш қандай акс этганини мен ўз ҳаётий ва ижодий тажрибам мисолида қисқача айтиб ўтмоқчиман.

Талабалик йилларимда мен учун энг азиз туюлган муддаолар — илму маърифатни эгаллаш, одамларга нафи тегадиган бир мутахассис бўлиб етишиш ва меҳру оқибатга асосланган оила қуриш эди. Шукурки, бу маънавий қадриятларга озми-кўпми эришиш ва шу ҳақда "Уч илдиз"ни ёзиш насиб этди.

Навбатдаги маънавий изланишлар Москвада аспирантурада ўқиган ва марказий ёзувчилар уюшмасида ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаган йилларимда бошқача шакларда давом этди.

Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан, деганлари рост экан. Ватандан йироқда уни соғиниб яшаганда бошқа жойда топилмайдиган юз хил неъматларимизнинг қадри ўткаркан. Москвада менга қуёшли кунлар, оппоқ ўрик гуллари, ширин миллий куйларимиз, она тилимизнинг гўзалликлари етишмас эди. Ўзга элларда ватани соғиниб яшайдиган одамга барча элдошлар бир бутун миллат бўлиб кўринади. Ватанда юрганингизда "фарғоналиклар ундай, тошкентликлар бундай, хоразмликлар бошқача" деган гапларни эшитамиз. Аммо ватандан йироқда маҳаллий фарқларнинг аҳамияти қолмайди. Мен, масалан, Москвада дўппи кийган одамни кўрсам кўнглим ёришиб кетарди. Атлас кийган аёллар Москва кўчаларида қуёшдан тушган париларга ўхшаб кўринарди.

Мен билан ўн йил бир бинода меҳнат қилган рус, украин, грузин, армани, латиш, эстон, қозоқ, тожик миллатига мансуб ҳамкасбларим ҳар бири ўз халқи ва адабиёти учун жон куйдириб ишлар эди. Уларда миллий ғурур ва маданий савия баландлигини сезганим сари ўзим ҳам шулардан қолишмасликка интилардим.

Мана шу ҳис-туйғулар йиллар давомида ўсиб, кучайиб, одамнинг ватанпарварлик ва миллатпарварлик эътиқодини шакллантирар экан. Бу эътиқод инсон руҳини тор худбинлик қобиғидан элюрт кенгликларига олиб чиқади. Бу кенгликларга ўрганган одам руҳан фақат ўз уйида эмас, балки шу уй жойлашган катта ватанда яшаётганини юракдан ҳис қилади. Фақат ўз шахсий миқёсида эмас, ватан, халқ миқёсларида ҳам фикр юритишга одатланади, ана шу миқёсларга мос келадиган катта мақсадларга интилиб яшайди.

Улуғ ғайрат улуғ мақсадлар йўлида туғилади, деганлари бежиз эмас. Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон ватан озодлиги ва мустақиллигини ўз олдиларига улуғ мақсад қилиб қўйган эдилар. Ана шу мақсадга яраша улкан ижодий ғайрат ва жасорат "Ўткан кунлар", "Кеча ва кундуз" каби ўлмас асарларни юзага келтирди. Бу асарларда миллатимизнинг ҳаётига оид теран инсоний мазмун ва бадиий маънолар кашф этилди. Ҳақиқат ва озодлик каби олий мақсадларга йўналтирилган бу романлар олий маънавий қадриятларга айланди. Абдулла Қодирий бошлаб берган ўзбек миллий романчилик мактаби Ойбек, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, Ўлмас Умарбеков, Тоғай Мурод ва бошқа ёзувчиларимизнинг ижодларида давом этиб, янги бир тараққиёт босқичига кўтарилди. Чўлпон ижоди узоқ вақт таъқиқ остида қолган бўлса ҳам, унинг миллий дард ва ватан туйғуси билан суғорилган оловли шеърияти адабиёт майдонида пайдо бўлган янги шеърий истеъдодларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ўзбек адабиёти мустабид тузумнинг таъқибу тазйиқларига қарамай йигирманчи асрда А.Қодирий, А.Чўлпон, А.Фитратлардан бошланган ва Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов ва улардан кейинги авлодларгача давом этган улкан бир янгиланиш ва юксалиш жараёнларини бошдан кечирди. Афсуски, бу жараёнлар ҳали адабиётшуносларимиз томонидан етарлича таҳлил ва талқин этилган эмас, муносиб баҳосини ҳам олгани йўқ.

Қисман шунинг учундир, истиқлолдан олдин яратилган асарларни "даври ўтган" деб ҳисоблайдиган, уларни нуқул "анъанавий" деган юзаки сўз билан баҳолайдиган, фақат модерн асарларни янгилик сифатида тан оладиган адабиётчилар пайдо бўлди.

Масалан, З.Пардаеванинг бултур "Ёшлик" журналида чоп этилган мақоласида Ўткир Ҳошимов ва Тоғай Муродларнинг истиқлол даврида чоп этилган янги романларини ҳам "анъанавий" деган сийқа сўз билан баҳоланади. Айни вақтда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида таниқли адабиётшунослар томонидан бир қатор жиддий камчиликлари кўрсатиб ўтилган "Капалаклар ўйини" романи модерн услубда ёзилгани учун "Адабиётнинг янги романи" деб баҳоланади, ушбу баҳо ҳатто мақоланинг сарлавҳасига чиқарилади.

Тўғри, мақола журнал томонидан мунозара тарзида эълон қилинган. Шуни ҳисобга олиб модернизм ҳақидаги баҳсларга тўхталиб ўтиш жоиз кўринади.

"Капалаклар ўйини" ёш ёзувчи Тўхтамурод Рустамнинг биринчи йирик асари эканини ҳисобга олиб, профессор С.Содиқ уни суяб ва аяб таҳлил қилади. Романда ҳали онги шаклланмаган ёшларни йўлдан оздирадиган ва ҳаётдан бездирадиган иллатлар фош этилганини, муаллифнинг истеъдодида ҳажвий йўналиш кучли эканини домла тўғри кўрсатади. Бироқ муаллиф гоҳ Жеймс Жойснинг онг оқимига, гоҳ М.Прустнинг экспрессив услубига амал қилади, аммо уларга хос юксак маҳоратни эгаллай олмагани учун тақлиддан юқорига кўтарила олмайди.

Гёте "Услуб — бу одам" деган эди. Ж.Жойснинг модернистик услуби ҳам унинг таржимаи ҳоли ва мураккаб тақдири билан боғлиқ бўлган. 1882 йилда Ирландияда туғилган Жойс ўз ватанининг Англия мустамлакасига айланганидан, она тилини унутиб, инглиз тилида асар ёзишга мажбур бўлганидан ўксинади. У ватанида юрганида ўзини иккинчи даражали одамдек ҳис қилади, "комплекс неполноценности" деб аталадиган қадрсизлик туйғуси учун ўз туғилган юртини ва унинг халқини айбдор деб билади. "Ёш санъаткорнинг портрети" деб аталган биринчи романида Жеймс Жойс ўз прототипи асосида яратилган Стивеннинг тилидан ватани Ирландия ҳақида шундай дейди:

— Биласанми, Ирландия нима? Ирландия бу ўз болаларини ўзи ейдиган кекса чўчқа! ("Ёш санъаткорнинг портрети", 289-б.)

Ўз ватанини шундай ҳақоратомуз сўзлар билан таърифлаган Ж.Жойс 22 ёшида Ирландияни бутунлай тарк этади, Парижда ва Цюрихда яшай бошлайди. Ватандан йироқда юрганида ҳам Ирландияни "шол бўлган мамлакат" деб атайди, Ирландия пойтахти Дублинни "паралич маркази" деб масхара қилади (ўша китоб, 9-бет).

Жойснинг мухлисларидан бўлган Америка ёзувчиси Ж.Феррол ёзади: "Жеймс Жойс динидан, халқидан, ватанидан воз кечади, унга фақат сўз санъати муқаддас туюлади, шу сабабли бутунича санъат-санъат учун деган ғояга берилади" (ўша китоб, XXII бет). Ж.Жойс чиндан ҳам инглиз тилининг улкан сўз санъаткори бўлиб етишади, унинг сўз санъати соҳасида қилган бадиий кашфиётларидан Э.Хемингуэй каби машҳур ёзувчилар ҳам бахраманд бўлганларини тан оладилар.

Бироқ ватандан, халқдан, диндан юз ўгириш Жойсни маънавий тушкунликка ва ёлғизлик азобига маҳкум этади. Ўз халқини қадрламаган, ўз ватанини инкор этган, даҳрийликка берилган одам бутун тарихни, бутун дунёни ва одамзотни ҳам қоралашга тушиб кетиши мумкин экан. "Улисс" романида Жойснинг прообрази бўлган ва айнан унинг фикрларини айтадиган Стивен шундай дейди: "Тарих бу — даҳшатли туш, мен ундан уйғониб қутулишни истайман. Тарих — бу дунёнинг криминал хроникаси (жиноятлар солномасидир), чунки бутун одамзод жиноятчилар тўдасидир. Биз дунё деб атайдиган бу сассиқ гўнг уюмида ҳамма нарса омонат..." ("Ж.Жойс "Улисс", Интернациональная литература" журнали. 1935 й. 2-сон, 46-бет.)

Бутун одамзодни жиноятчилар тўдаси деб айблаш ва дунёни сассиқ гўнг уюми деб ҳақорат қилиш — инсоний одоб-ахлоқ қоидаларини қўпол равишда бузиш эди. Бунинг оқибатида Ж.Жойс атрофида жуда катта жанжал кўтарилади. "Улисс" романи Англия, Франция ва АҚШда таъқиқланади. Машҳур фантаст ёзувчи Герберт Уэллс Жойсга ёзган мактубида шундай дейди: "Сиз оддий одамлардан юз ўгирдингиз ва ўзингизни жуда катта оляпсиз. Менимча, бу боши берк кўчадир". Р.Оллингтон деган адиб "Улисс"ни "Одамзодга қарши айтилган ялмоғизларча туҳматдир" деб атайди. Америка адиби Эдвард Далберг "Улисс" романининг воқеалари бир кеча-кундузда бўлиб ўтишини назарда тутиб шундай дейди: "Улисс" — бу ахлатхоналар бўйлаб бир кеча-кундуз давом этган саёҳатдир." (Д.М.Урнов "Джеймс Жойс и современный модернизм" М. 1964 й. 5-бет.)

Бу энди Ж.Жойснинг бутун дунёни масхаралаганига қарши жавоб масхара эди. Бизнингча, ҳар икки томоннинг ҳам масхаралари ёзувчилик одобига хилофдир.

Шунга қарамай, Ж.Жойснинг аччиқ киноя ва масхараларини юксак санъат ва жасорат намунаси деб ҳисоблайдиган, бу борада ундан ибрат олишга интиладиган одамлар, айниқса, ёш ёзувчилар ҳозир ҳам учрайди.

Юқорида эслаб ўтилган "Капалаклар ўйини" романида Жойсни эслатадиган киноя ва масхаралар энг аввало оддий одамларга такаббурона муносабатда кўзга ташланади. Ҳеч кимга зарари тегмайдиган, эшак миниб рўзғор тебратадиган камтар бир инсон Эшим бутун роман давомида "Эшим — эшак" деб камситилади. Романда олифтачилик билан ичиб-чакиб юрадиган, бирон фойдали иш қилмайдиган бекорхўжа-такасалтанглар "Эшим деганимиз бу — эшак демакдир" деган баландпарвоз шеър ҳам тўқишади. Муаллиф бу билан ҳам қаноатланмай, Эшим номидан қуйидагича умумлашма қилади: "Эшак ҳам худди одамга ўхшайди, фақат эшак одамдан эслироқ бўлади."

Инсон зотини эшакдан ҳам паст қўйиб, бу қадар аёвсиз ерга уриш модернизм таъсирига берилиб инсонпарварликдан юз ўгиришга ўхшайди. Бир вақтлар Герберт Уэллснинг Жойсга қарата "Сиз оддий одамлардан юз ўгирдингиз" деган танқидини "Капалаклар ўйини" муаллифига ҳам айтишга тўғри келади.

Жойснинг оламдан ўтганига олтмиш йилдан ошди. Шундан бери жаҳонда ва адабиётда катта ўзгаришлар юз берди. Нуфузли доираларда "Европа виждони" деб тан олинган Альбер Камю Ғарб адабиётининг гуманизм йўлига яна қайтиб келишига ва маънавиятнинг астойдил қадрланишига катта ҳисса қўшди. Янги тарихий шароитда постмодернизм тарафдорлари ҳам гуманизм ва маънавият томонга бурилиш ясадилар. Шунга қарамай "Капалаклар ўйинида" ҳамон ўша Жойснинг нигилизмига, ўринсиз киноя ва масхараларига тақлид қилиш ҳоллари кўп учрайди. Муаллиф Тошкент вақтини "Бақаҳовуз вақти" деб ўзгартиради. Ҳатто киноя тарзида "Бақаҳовуз ҳақиқати" деган газета борлиги ҳам такрор-такрор қайд этилади...

Жойс ўзини ниҳоятда ёлғиз ҳис қилади, ўз санъатини ҳамма нарсадан баланд қўяди. "Улуғлик" чўққисида туриб ўз халқи ва бутун одамзод шаънига юқорида келтирилган номуносиб айбномаларни айтади. Модернизмда Жойснинг анъанасига амал қилувчи айрим ижодкорлар ҳам инсонлар ва ҳатто миллатларга нисбатан жуда баланддан келиб, катта-катта айблар қўядилар.

Бунинг бир мисолини истеъдоди кўпчилик томонидан тан олинган таниқли шоир Абдували Қутбиддиннинг "Шарқ юлдузи"да чоп этилган "Изоҳсиз луғат" номли достонида кўриш мумкин. Бу достонда ўтмишдаги мустамлака зулми остида яшаган инсоннинг фожиавий хатолари қуйидагича изоҳланади:

Ватанинг бор эди, сотдинг.
Онанг бор эди, отдинг.
Лаззатга, сафога, ишратга алмашдинг
бору будингни
Чўчқага хизматга кирдинг,
Тўнғизнинг амрини бажардинг
Эсизгина одам, қизил ва сариқ шоқол,
Кўз узмай қузатиб турибди ҳар бир ҳаракатингни".
Кўзингдан, бурнингдан битлар чиқмоқдалар амал-тақал қилиб. Оғзингдан семириб кетган қурбақа зўрға тушаётир — кекиртагингни ёриб юборар. ...Эсизгина одам, ачинаман, афсусланаман... Кечикмадикмикин? Одамни қутқармоққа?!. ("Шарқ юлдузи" 1990 й. 10-сон, 11-бет.)

"Кўзингдан, бурнингдан битлар чиқмоқдалар амалтақал қилиб, оғзингдан семириб кетган қурбақа зўрға тушаётир — кекиртагингни ёриб юборар".

Бу хунук ва эстетикадан йироқ сатрларни Н.Маматқулова модерн шеъриятининг янгича талқини сифатида мақтайди. "Бу сатрларда, — деб ёзади олима, — миллатга нисбатан катта айблов мавжуд. Миллатнинг руҳий тарқоқлиги ва ҳашаротлар каби майдалашуви, қисқаси, улкан бир фожиа тасвирланади" ("Ёшлик" журнали, 2003 й. 4-сон, 29-бет).

Юқорида биз келтирган сатрларда гап миллат ҳақида эмас, мустамлака зулми остида эзилган, алданган, хатолар қилган одам ҳақида боради. Шоир бу одамга ачинади, ҳамдард бўлади, уни қутқаришни ўйлайди.

Модерн шеърият тадқиқотчиси эса бу одамни ўзгартириб, бутун бир миллатга айлантириб юборади. Алоҳида одамга тааллуқли айбловлар бутун миллатга тааллуқли бўлиб чиқади. Гўё бу мисраларда миллатнинг тарқоқлиги ва ҳашаротлар каби майдалашуви, қисқаси, улкан бир фожеа тасвирланган эмиш!

Мустамлака зулмига қарши курашда А.Қодирий ва Чўлпондан тортиб Мадаминбеккача, Мунаввар Қори ва Беҳбудийлардан тортиб Файзулла Хўжаевгача, ўзбек адабиётининг жаллодларига қарши исён қилган Абдулла Қаҳҳоргача минг-минглаб миллатдошларимиз озмунча қаҳрамонлик кўрсатдими? Энди бунинг ҳаммасини унутиб, шўро даврида яшаган миллатдошларимизни "ҳашаротлар каби майдалашув"да айблашга ёш оламнинг қандай ҳадди сиғди? Шоир қизил ва сариқ шоқол зулми остида эзилган, булғанган одамга ачиниб ва ҳамдард бўлиб ёзган сатрларни бутун бир миллатга қарши асоссиз айбловга айлантириш — миллий нигилизмнинг ашаддий бир кўринишидир.

Ҳар бир миллат таркибида яхши ва ёмон одамлар бор. Лекин бутунича ёмон миллат йўқ. Айниқса, ўз миллатига паст назар билан қараш ва унга адолатсиз айбловларни раво кўриш ҳаддан ортиқ катта кетиш ва камтарликни унутишдан келиб чиқади. Жеймс Жойс мана шунақа катта кетиш оқибатида ўз халқидан воз кечади, бутун одамзодни "жиноятчилар тўдаси" деб қоралашгача бориб етади, охир-оқибатда нигилизм ва интиҳосиз тушкунлик таъсирида кўзи кўр бўлади ва 1941 йилда вафот этади.

Ана шу даврда ижод қилган француз адиби А.Камю тушкунлик ва нигилизм тўғрисида қуйидагича фикр билдиради:

"Ўта тушкун аҳволга тушиб қолганидан шоншараф ва ор-номусни ҳам унутиб, замонавий нигилизм ботқоғига ботиб қолганлар билан курашар эканмиз, улар адашаётганини тушунишга ҳаракат қилишимиз керак. Бироқ менинг юртимдаги ва Европадаги кўпчилик нигилизмни рад этган ва тарихни оқилона давом эттиришга киришиб кетган". ("Жаҳон адабиёти", 2002 й. 2-сон, 169-б.)

А.Камю "Шон-шараф ва ор-номусни унутиб, замонавий нигилизм ботқоғига ботганлар" деганда кимларни назарда тутганига изоҳ бериб ўтишимиз керак: Совуқ уруш авжига чиққан даврда модернизмнинг гуманизмизга қарши қаратилган оқими пайдо бўлади. Бу оқим тарафдорлари "инсон табиатан ёмон, уни аямай фош этиш керак" дейдилар.

Англияда Голдинг деган адиб "Найза" номли романида антигуманизм ғоясини тарғиб қилади. Джон Уэйн деган модернист танқидчи бу романдаги антигуманизмни қўллаб-қувватлаб ёзади: "Голдинг инсон деган тушунчанинг ўзини инкор этади. У ҳар янги романи билан "гуманизм" деб аталган нарсага қарши аёвсиз ўқ отади."

Авангард модернистлар ўз халқларининг тарихидаги шон-шараф зарварақларини инкор этадилар. Улар тарихни ой нури каби ҳароратсиз нарса деб камситадилар ва "Йўқолсин ой нури!" деган шиор билан чиқадилар.

Бир вақтлар шўро даврининг пролеткултъчилари "Йўқолсин эски адабиёт! Йўқолсин Пушкин!" деган шиор билан чиққан, лекин орадан йиллар ўтиб, ўзлари йўқолиб кетган эдилар. "Йўқолсин ой нури!" деган модернистлар ҳам йиллар ўтгандан кейин худди пролеткултъчиларнинг аҳволига тушганини италян ёзувчиси Умберто Эко "Номи Роза" деб аталган китобда қуйидагича баён қилади: "Авангард модернизми тарихни инкор этади, образни йўққа чиқаради, уни қуруқ абстракцияга айлантиради, охири оқ қоғознинг ўзи қолади, сурат чизганда холстни тешик қилиб "Тасвир мана шу" дейишгача бориб етади". Умберто Эко фикрини қуйидагича давом эттиради: "Авангард модернизм шу тарзда таназзулга учраб тўхтаб қолди, модернизмга хос нигилизм тарихни инкор этди, аммо ўтмишни йўқотолмади. Энди модернизм ўрнига келган постмодернизм тарихни қайта идрок этиб тасвирламоқда." (Умберто Эко "Номи Роза", роман, М. 1989 й. 461-бет.) Умберто Эко ўзининг бу фикрини амалда исбот этади, "Номи Роза" деб аталган тарихий детектив роман ёзади ва уни постмодернизм маҳсули деб атайди. Бу роман қизиқарли сюжет ва аниқ тарихий шахслар тасвирига бағишланган. Унда А.Камю айтганидек, тарихни оқилона давом эттириш тамойили кўзга яққол ташланади ва шу сифатлари билан Эко романи Жойс модернизмидан кескин фарқ қилади.

Яқинда ўзбек тилига таржима қилинган бразилиялик ёзувчи Пауло Коэлонинг "Алкимёгар" романи ҳам постмодернизмнинг анъанавий модернизмдан фарқи қатта эканини кўрсатиб турибди. Жойс романларидаги диндан қайтиш, ватандан воз кечиш, нигилизм ва тушкунликка берилиш "Алкимёгар" романида мутлақо йўқ. Аксинча, бу романда замон ва макон аниқ кўрсатилади, сюжет ёрқин инсоний тақдирлар асосига қурилади, имону эътиқодли, тақдирга ишонадиган, маънавий ҳаёт кечирадиган одамлар бош қаҳрамон қилиб олинади. Бу ҳаммаси мумтоз реализмга хос энг яхши ижодий тамойилларни эсга солади.

Постмодернизм назариячиси Жон Барт XIX ва XX асрдаги мумтоз реалистик адиблар тажрибаси бугунги постмодернизм ёзувчилари томонидан ҳисобга олинаётганини махсус кўрсатиб ўтади.

Хуллас, модернизмнинг авангард каби турлари реализмга қарши бориб енгилди ва таназзулга учради. Буни амалда кўрган постмодернистлар мумтоз реализмга қарши туришдан воз кечдилар. Тараққиёт спирал шаклида айланма йўлдан бориши маълум. Постмодернистлар шу спирал бўйлаб мумтоз реализм йўлига қайтаётгандай кўринади. Фақат бу — орқага қайтиш эмас, балки спирал бўйлаб юқорига кўтарилиш бўлиши мумкин.

Мана шу келажакни А.Камю ўтган аср ўрталарида олдиндан кўра билгани учун ижодкорларни тушкунликка тушмасликка, замонавий нигилизмга берилмасликка даъват этган эди. Камюнинг Нобель мукофотини олиши муносабати билан сўзлаган нутқи ўзбек тилига таржима бўлиб, "Жаҳон адабиёти" журналида чоп этилган. Ана шу дастурий нуткда А.Камю "санъат — санъат учун" деб, фақат тор доирадаги шинавандаларга мўлжаллаб ёзилган, тушунилиши қийин бўлган асарларга ўз муносабатини қуйидагича билдиради:

"Санъат ижодкорларнинг ўз қобиғига ўралашиб қолишига йўл қўймайди. Санъат азоб-уқубатлар ва қувончларнинг кенг қамровли тасвирини яратиш орқали иложи борича кўпроқ одамларга таъсир қилиш усулидир."("Жаҳон адабиёти" т-л 2002 йил 2-сон, 168-бет.)

Давоми тўртинчи бетда.

ТЕАТР САНЪАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Боши биринчи бетда.

Бугунги глобаллашув, мамлакатлар ва халқларнинг бир-бирига боғлиқлиги, алоқалари тобора кучайиб бораётган бир шароитда ўзбек миллий театр санъатининг ривожланиши кўп жиҳатдан бу соҳада бошланган ислоҳотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштиришга, юзага келган ижодий, ташкилий ва бошқа муаммоларни ечишга боғлиқ. Бу иш театр моделини янгилаш, театр тармоғи ва театр таркибини замонавий талаблар асосида қайта тузиш, режиссура, актёрлик санъати муаммоларини ҳал қилиш, репертуарни, драматургглар билан ҳамкорликни яхшилаш, театр мутахассисларини тарбиялаш ва малакасини ошириш масалаларини кўриб чиқиш йўналишларида олиб борилади.

Театр санъати ўз табиатига кўра жамоа ижоди бўлиб, бунда меҳнатнинг қатъий ташкил этилиши ва яхши бошқарилиши талаб қилинади. Бугунги кунда бу борадаги асосий иш — ижодий соҳада бозор қонуниятларини чуқур тушуниш ва амалда қўллашдан иборат. Бошқарувга, репертуарни шакллантиришга, томошабинларни «ташкиллаштиришга» янгича ёндашув қарор топган театрларда ижодий барқарорлик мавжуд, у ерда томошабинлар бор, чет элга сафарлар ва эътироф ҳам уларга ҳамроҳ. Бунга Ўзбекистон Ёшлар театри, Ўзбекистон академик рус драма театри, Ўзбек ёш томошабинлар театри, «Илҳом», «Эски мачит» театр-студиялари фаолиятларини мисол қилиб келтириш мумкин. Янгиликларга ишончсиз муносабатда бўлган театрларда эса муайян маънода ижодий турғунлик ҳукм сурмоқда. Чунончи, Тошкентдаги театрлардан А.Қаҳҳор номидаги сатира театрининг тақдирини узил-кесил ҳал этиш керак. Ташкил топгандан бери дарбадар ҳаёт кечиради, биноси йўқ, натижада ижод ҳам енгил-елпи, беқарор. Бино масаласини ҳал қилмасдан туриб мазкур театрнинг истиқболини белгилаш амри маҳол. Кейинги вақтда мазкур театрнинг фаолияти Аброр Ҳидоятов номидаги театр биносида ўтмоқда. Бу ўз навбатида мазкур театрнинг шундай ҳам енгил бўлмаган аҳволини бадтар оғирлаштириб қўймоқда.

Умуман олганда, «Ўзбектеатр» бирлашмаси тасарруфидаги пойтахт театрлари фаолияти ҳақида шуни айтиш мумкинки, рекламанинг, тарғиботнинг яхши ташкил этилмаганлиги сабабли театрларнинг бор ижодий ютуқлари ҳам етарли даражада эътибор қозонмай келаётир. Радио ва телевидениедаги театр тарғиботини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Бир-икки театрни истисно қилганда, вилоятлардаги театрларнинг ижодий аҳволи қониқарли эмас. Бинолар таъмирланган, шароит бор, бироқ ижодий ишлар ўлда-жўлда. Бунга раҳбарларнинг ношудлиги, янги иқтисодий шароитларни чуқур билмаслиги, актёрлар таркибининг «қариб» бораётгани, ёшларнинг етарли эмаслиги, ижодий беқарорлик, репертуарнинг тасодифга қурилганлиги, томошабин талаб-эҳтиёжларини яхши билмаслик, билган тақдирда ҳам асар танлаётганда ва саҳналаштираётганда буни ҳисобга олмаслик кабилар сабаб бўлмоқда.

Вилоят театрлари тузилмаларини ислоҳ қилиш, йўналишини янгича белгилаш замон талабидир. Ҳамон аксарият театрлар мусиқали драма театри деб юритилса ҳам улар аллақачон драма жанрига ўтиб олишган. Мусиқали асар қўйилганда эса асосан техник воситалардан фойдаланишади. Оркестр, хор, балет деган нарсалар барҳам топган. Концертларни олиб борувчи беш-олтита чолғучи қолган, холос. Шундай экан, нега энди ҳар бир театрнинг мавжуд ижодий салоҳиятидан келиб чиқиб, унинг йўналишини белгилаш ва таркибини шунга мос тузиш мумкин эмас? Мумкин, албатта. Менингча, мамлакатимизда мусиқали драма йўналишида ижод қилувчи тўртта давлат театри бўлса бўлди. Шулардан бири мазкур жанрнинг ўзига хос устахонаси ҳисобланган Муқимий номидаги ўзбек давлат театридир. Қолган учтасини вилоят театрларининг шу кундаги ҳолатларини ҳамда тарихий-бадиий ҳудудларни ҳисобга олган ҳолда, Хоразм, Андижон ва Самарқанд театрлари замирида шакллантириш, қолган барча театрларни драма жанрига ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Қарши шаҳрида мусиқали драма театри, «Мулоқот» ва «Эски мачит» театр-студиялари, қўғирчоқ театри мавжуд. Шулардан қўғирчоқ театрини Шаҳрисабз шаҳрига кўчириш чорасини кўриш керак. Шунингдек, Каттақўрғон шаҳар театрини, ўз ижодий интилишидан келиб чиқиб, ёш томошабинлар театрига айлантириш зарур. Зеро, Самарқандда катталарга хизмат қилувчи яна икки театр мавжуд.



Навоий шаҳрида ташкил этиш режалаштирилган Навоий вилоят театри ўзбек ва рус тилларида ишловчи, кўпроқ болалар ва ёшларга хизмат қилувчи ижодий жамоа сифатида шакллантирилса, унга Маннон Уйғур номидаги Санъат институтини битираётган актёрлик гуруҳи ишлашга юборилса, айни муддао бўлур эди.

Айниқса, ўсмирлар ва ёшларга хизмат қилишни яхшилаш зарур. Бунинг учун келгусида шу тоифа томошабинларга мўлжалланган махсус театрлар сонини кўпайтиришга тўғри келади. Бундай театрларни вилоят марказларида эмас, балки вилоятларнинг бошқа йирик шаҳарларида ташкил этган маъқул. Шу баҳонада ёш томошабинларнинг янги қатламлари театр санъатига жалб этилади. Умуман, келгусида ҳар бир туман маркази, ҳар қайси шаҳарнинг болалар ва ёшларга мўлжалланган ўз театри бўлишига эришиш керак. Бу олдимизда стратегик вазифа бўлиб туриши лозим.

Давлат ҳозирги кунда улкан театр тармоғини молиялайди. Йил сайин театр санъати қимматлашмоқда. Шу сабабли, яқин йилларда давлат театрларга ёрдам кўрсата бориб, уларни сон жиҳатидан таъминлашдан сифат жиҳатидан таъминлашга ўтади. Айнан шу сифат жиҳатидан таъминлаш бозор рақобатчилиги шароитида театр моделининг асосий тамойилларидан бири бўлиши, эстетик ва маънавий аҳамиятга молик нарсаларни аниқлаб, рағбатлантиришга йўналтирилиши лозим.

Айни пайтда вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, бошқа мутасадди ташкилотлар театр учун масъулликни кўпроқ ўз зиммасига олиши керак. Улар бюджетга таянган ҳолда театр биноларини таъмирлаши, иқтидорли драматург ва режиссёр билан шартнома тузиши, айрим спектаклар саҳналаштирилишини молиялаши мумкин.

Бугунги кунда театр ва театр ходимларини қўллаб-қувватлашнинг янги шакл ва усуллари юзага келмоқда. Бу ёрдам турли нафақалар, миллий ва бошқа мукофотлар, молиявий дастурлар, шартнома бўйича ишлар, республика ва халқаро жамғармаларнинг грантлари шаклида бўлиши мумкин. Ҳозирча эса шахсий ташаббус сифатида намоён бўлмоқда. Чунончи, режиссёр Авлиёқул Хўжақули халқаро жамғарма гранти асосида «Хитой гўзалининг сири» (Ўзбекистон рус академик драма театри), «Рақсу самоъ» («Эски мачит»), «Донишманд Натан» (Миллий академик драма театри) спектаклларини яратди. Бу етарли эмас. Бинобарин, яқин йиллардаги вазифа театр санъатини шу йўналишларда қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришдан иборат.

Бу ўринда театр ходимларини мавжуд ахборот билан таништириш муҳим аҳамиятга эгадир. «Ўзбектеатр» ахборот маркази барча хоҳловчиларни ана шундай ахборот билан таъминлаши лозим. Сўнгги йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қайси театр шу ахборотга эга бўла туриб, ундан бозор қонунларига мувофиқ фойдалана олса, унинг ижодий ишлари яхшиланиб, чет элларда гастроллар ўтказиш имконига ҳам эга бўлади. Айтайлик, Ўзбекистон ёшлар театри (бадиий раҳбари Н.Абдурахмонов) ўз ахборот заҳирасига эга бўлиб, интернет орқали жаҳондаги нуфузли фестивалларнинг дирекциялари, театр жамоалари ва атоқли арбоблар билан бевосита алоқага киришади, қаерда нима бўлаётганини, театр санъати юраги уришини кузатиб, шунга яраша чоралар кўриб, ўз ижодий тажрибасида улардан таъсирланиб боради. Қани энди ҳамма театрларда ҳам шундай интилиш бўлса.

«Ўзбектеатр» бирлашмаси долзарб мавзуларни ёритишга қаратилган аниқ лойиҳалар асосида спектакллар яратиш ташаббуси билан чиқди, республикадаги барча театр жамоаларига таклиф этди. Бу ташаббус ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, унинг асослари бор. Бунда, аввало, Эркин Хушвақтнинг «Чимилдиқ» комедиясининг, қоларверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳомийлигида (ректор А.Азизхўжаев) яратилган «Хазон бўлган умр» драмасининг Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти ўқув театрида ишланиб, бирининг Миллий академик драма театри репертуарига киритилиши, иккинчисининг Тошкентда ва айрим вилоят саҳналарида намойиш этилиши, «Илҳом», «Эски мачит», «Мулоқот» театр-студияларининг кўп йиллардан бери лойиҳа асосида муваффақият билан ишлаб келаётгани намуна вазифасини ўтади.

Дарвоқе, академия ўз ҳисобидан яна бир асарни — Эркин Хушвақтнинг «Қирмизи олма» асарини саҳналаштирди. Шу кунларда спектакл Миллий академик драма театри саҳнасида намойиш этилмоқда. Томошабин тирбанд. Яна бир мисол. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси ва ҳомийлигида Дилбар ва Тилаб Маҳмудовларнинг шу кунлардаги воқелик — меҳр-оқибат, кексаларга муносабат масаласига бағишланган драмаси саҳналаштирилди. Унда Миллий академик драма театрининг артистлари қатнашди. Спектакл Миллий театр саҳнасида муваффақият билан намойиш қилинди.

Аммо шуни очиқ-ойдин айтиш керакки, кўпгина театрлар, уларнинг раҳбарларига лойиҳа асосида ишлашни тушунтириш қийин бўлди. «Ўзбектеатр» бирлашмасига энди-энди баъзи лойиҳалар келиб тушмоқда. Вилоят театрлари орасида лойиҳа асосида ишлашнинг афзалликларини биринчи бўлиб Сурхондарё вилоят театри жамоаси ва унинг раҳбари Мансур Равшанов тўғри англаб, истеъфодаги полковник Муҳаммад Бобоев асари асосида «Ўлим ҳалқаси» спектаклини яратди. Спектакл Наманган шаҳрида «XXI аср ўзбек театри: режиссура ва актёрлик санъати истиқболи» мавзуида ўтказилган семинар-кенгашда кўрсатилиб яхши баҳо олгач, республика бўйлаб намойиш этилди.

Демократия ва бозор иқтисодиёти шароитида давлат театрлари билан ёнма-ён профессионал даражадаги хусусий ва ширкат асосида ишловчи театрлар ҳам бўлиши мумкин. Бундай театр труппалари антреприза, уларнинг мутасаддилари антепренёр дейилади. Тараққий этган мамлакатларда театрларнинг кўпчилигини худди шундай хусусий ва ширкат ижодий жамоалари ташкил этади. Улар ўз фаолиятларини турли жамғармалар, бирлашмаларнинг грантлари асосида олиб борадилар. Бизда ҳозирча бундай театрлар бармоқ билан санарли: «Мулоқот», «Эски мачит», «Алладин», «Семурғ», «Ариранг», «Турон». Бинобарин, шу йўналишда иш олиб бориб, хусусий ва ширкат театрлар сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Ўшанда турли мақомдаги театрлар орасида соғлом ижодий рақобат пайдо бўлиб, бу театр санъатининг янада тараққий этишига хизмат қилади.

Шундай қилиб, Ўзбек театр санъати янги XXI асрга қадам қўяр экан, ўтган асрда эришган ютуқлари ва тажрибаларини янги шароитларда ривожлантириши, миллий ўзига хослигини сақлаши ва кучайтириши, айни чоғда жаҳон театрининг замонавий тажрибалари ва изланишларидан хабардор бўлиб, лозим ўринларда улардан фойдаланиши жуда муҳим.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Суратларда: Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган "Алишер Навоий" спектаклидан лавҳалар.

Дунё –кенг...

ЎНИНЧИ САЙЁРАНИНГ СИРИ

Ҳозиргача Қуёш системасида тўққизта сайёра (планета) мавжудлиги маълум эди. НАСА астрономлари ўта замонавий Spitzer ва Hubble телескоплари ёрдамида ўнинчи сайёрани кашф этишди.

Коинотда парвоз этадиган бу телескоплар Қуёш системасида бошқа сайёралар каби Қуёш атрофида, ундан қарийб ўн миллиард километр узоқликда, айланадиган самовий жисмни аниқлади. Унга эскимосларнинг денгиз илоҳаси Седна номи берилди. Бу сайёранинг диаметри — икки минг километр (қиёслаш учун: Нептуннинг диаметри — тўрт минг километрча, Плутонники — уч минг, Ернинг диаметри эса ўн уч минг километр).

Россия фанлар академиясининг Амалий астрономия институти директори А. Финкельштейн "Аиф" газетасига берган интервюсида Седнани Қуёш системасининг ўнинчи сайёраси, деб ҳисоблаб бўлмаслигини айтган. Унинг фикрича, Седна катта ва кичик сайёралар оралиғидаги чегарада ҳаракат қилади. Бироқ уни Ер ёки Марс билан баравар деб бўлмайди. Бу самовий жисмнинг ҳаддан ташқари узоқдалиги ва Қуёш атрофидан айланиши, шунингдек, ўзига ўхшаган самовий жисмлар орасида беҳад катталиги астрономияда қизиқиш уйғотаётир, дейди олим.

БОЛАГА ХОС БЎЛМАГАН ДАРД

Кишинёвлик ўн икки ёшли ўсмир Миша Г. болаларга мутлақо хос бўлмаган хасталик белгилари билан шаҳар болалар шифохонасига келтирилди: болакай гапиролмас, унинг ўнг тарафи ишламасди.

Ҳаммаси Мишанинг боши қаттиқ оғриб, кўнгли айнишидан бошланди. Зудлик билан етиб келган "тез ёрдам" энг тўғри қарорга келиб, болани шифохонага олиб кетди. Бу эса, боланинг ҳаётини сақлаб қолишга имкон туғдирди.

Болакай одатда катта ёшдагилар дучор бўладиган хасталик — инсультга учраган экан. Миша табиатан таъсирчан, кўнгли нозик бўлгани туфайли ноҳуш ҳолатни кўтара олмаган.

Врачлар икки ҳафта "кутилмаган дард"га қарши кураш олиб боришди. Бунда ўз вақтида тўғри қўйилган ташхис асосий омил бўлди. Қийинчилик туғдирган жиҳатлар эса ўсмирнинг "катталар хасталиги"га учрагани эди.

ЧАЁН БИЛАН БАҚАМТИ

АҚШнинг Колорадо штатидаги Аркадия шаҳрида истиқомат қиладиган Стив Катчернинг уйига кириб қолган одам қўрқинчли филмни кўраётган кишининг аҳволига тушиши мумкин. Чунки бу уй капалаклару ўргимчаклар, сувараклар ва бошқа турли-туман ҳашаротларга тўла.

Стивнинг ҳашаротлар билан бақамти яшашга ўргангани ялтироқ қуртларга меҳри тушгандан бошланди. Ўшанда у уйига ялтироқ қуртларни йиғган, биология ва энтимологияни ўрганишга бел боғлаб киришган эди. Натижа шу бўлдики... ҳашаротларни кинофилмлар учун суратга тушишга ўргатишни уддалади, холос. Унинг ўргатилган чигиртканси "Арвоҳни қувувчи" филмида, ўргимчаги эса "Арахнофобия" картинасида "ўйнади".

Ҳозир Катчернинг уйидаги бир хона бус-бутун ҳашаротлар ихтиёрига берилган. Жониворлар шиша банкаларда ва ёғоч қутиларда яшайди. Гоҳи-гоҳида Стив уларни иссиқ ҳаво ва карбонад ангидриди билан "озиқлантириб" туради. Бу ҳашаротларнинг фаоллигини оширади, дейди у.

Ҳашаротлар орасида Стивнинг энг яхши кўргани ўн саккиз сантиметрли тропик чаёни, деб ёзади "Чикаго сан" газетаси.

ҒАРОЙИБ МУЗЕЙ

Британиянинг Стоук деган шаҳарчасида ҳали кўз кўриб қулоқ эшитмаган... хожатхоналар музейи пайдо бўлди.

Музейга ташриф буюрганлар инсоният тарихининг илк палласида, Уйғониш даврида хожатхоналар қандай кўринишда бўлгани билан танишишади. Шунингдек, викториан услубидаги қайта таъмирланган хожатхона ҳам уларни бефарқ қолдирмайди. Чунки бу жойда турган кимёвий моддалар ёрдамида реал атмосфера яратилган. Музейдан жами икки мингга яқин "объект" жой олган. Музейнинг шундоқ биқинида замонавий унитазлар ишлаб чиқарадиган фирма бор, деб ёзади "Сан" газетаси.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва "Туркистон" саройи жамоаси "Ўзбекнаво" бирлашмасининг бухгалтерия ҳисоби, иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Гулчеҳра Дўстмуҳаммедовага онаси

Салима ДЎСТМУҲАММЕДОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 9 апрелда чиқади.

МАЪНАВИЯТ, МОДЕРНИЗМ ВА АБСУРД

Боши учинчи бетда.

З. Пардаева каби адабиётшуносларимиз эса ҳамон ўша тушунилиши мушкил бўлган бошқотирма услубидаги "Капалаклар ўйини"ни "Адабиётнинг янги романи" деб реклама қилишади.

Аллома Озод Шарафиддинов бир суҳбатида модернизмнинг кроссвордга ўхшаш бошқотирмасини ёқтирмаслигини айтган эди. Албатта, кроссворд ҳам ўз ўрнида керак. Лекин Абдулла Қаҳҳор адабиётни атомдан кучли деб таърифлаган, фақат унинг кучини ўтин ёришга сарфлаш керак эмас" деб огоҳлантирган эди. Устоз адибнинг шу фикрини қувватлаб, адабиётнинг атомдан зўр кучини кроссворд ечишга ҳам сарфлаш керак эмас, дегимиз келади.

"Бошқотирмасиз" ҳам яхши асар ёзиш мумкинлигини Улуғбек Ҳамдамнинг яқинда китоб бўлиб чиққан "Мувозанат" романида кўриш мумкин. Академик М.Қўшжонов романга ёзган бош сўзида унинг катта қизиқиш ва қониқиш билан ўқилиши сабабларини очиб беради. Асарда чинакам романбоп тақдирлар ва ўта драматик воқеалар янгича тафаккур асосида журъат ва маҳорат билан тасвирланади. Шахсан мен "Мувозанат"ни сўнгги ўн йилда чиққан ўзбек романларининг энг яхшиларидан бири деб ҳисоблайман.

Шу билан бирга, тушкунликка тушган ва нигилизмга берилган анъанавий модернизмнинг ўрнига келаётган ва жаҳон бўйлаб тан олинаётган бағрикенг, маънавияти бор постмодернизмга нисбатан хайрихоҳ бўлишимиз керак, деб ўйлайман.

Бу фикрга исбот тарзида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Бозор" романини мисол келтирмоқчиман.

Бу романда имон-эътиқодли одамлар бор. Айниқса, бош қаҳрамон Фозилбекнинг тақдири ўқувчини қизиқтиради. Ёши етилган Фозилбекни ота-она ҳам, опасингиллар ҳам "Уйлан", деб қисташади. Фозилбек молдуёнга тўла бозорда узоқ изланиб юради. Уйларида ҳам бойликнинг ҳисоби йўқ. Бой оилаларнинг гўзал қизларини унга кўрсатишади. Лекин тақдир тақозоси билан йигитнинг ишқи маънавий бойликлар йиғилган китобхона ходимаси, камхаржгина оддий жувон Қадрияга тушади. "Бозор" романи "Алкимёгар"дан олдин босилиб чиққан бўлса ҳам, Фозилбек образи нимаси биландир Сантягони эслатади. "Нимасидир" деганда биз ҳар икки романда ҳам маънавият олий қадрият сифатида кўрсатилганини назарда тутамиз. Демак, постмодернизм асарлари маънавиятни эъзозлаши ва мумтоз реализмнинг олий қадриятларига суяниши билан ҳам кўпчилик китобхонлар дилига йўл топиши мумкин.

* * *

Маънавият мавзусига қайтар эканмиз, унга нисбатан қарама-қарши қутбда турадиган абсурд тушунчасига дуч келамиз. "Маънавият" бу "маъно" сўзидан келиб чиқадиган юксак қадрият бўлса, "абсурд" луғавий жиҳатдан "маъносизлик" ёки "бемаънилик"ни билдиради.

Ҳаётда бемаъниликлар оз эмас. Уларни адабий асарларда ҳаққоний акс эттириш зарур. Фақат ҳаётдаги бемаънилик адабий асарда тасвирланганда унинг инсонга бехуда азоб берадиган салбий моҳияти ҳам очиб берилиши керак. Бу мавзуда энг яхши асарлар ёзган адиб юқорида номи айтиб ўтилган Альбер Камюдир. Унинг "Сизиф ҳақидаги ривоят" асари абсурднинг қадим замонларга илдиз отган ҳодиса эканини кўрсатади.

Қадимги юнон Қаҳрамони Сизифнинг мудом баланд тоққа тош юмалатиб чиқиши, тош яна пастга юмалаб тушганда уни қайта ва қайта тоққа олиб чиқиши, юнон худолари уни умр бўйи шу бесамар иш билан шуғулланишга маҳкум этганлари абсурд тушунчасининг энг ёрқин бир мисолидир.

Иккинчи жаҳон урушини бошидан кечирган ва фашизмга қарши кураш олиб борган Камю халқ орасида "жигарранг вабо" номини олган фашизм балосини ҳам тарихнинг улкан бир абсурд ҳодисасидек тасаввур қилади. Ёшлиги Жазоирда ўтган Камю кичик бир шаҳарда каламушлар кўпайиб кетиб, вабо касаллигини қандай тарқатаётганини кўрган экан. Шу ёшлик хотираси улкан бир маъжозий образга айланиб, адибнинг шоҳ асари саналган "Вабо" романига асос бўлади. Жаҳон уруши даврида бутун одамзоднинг ўлим қуроллари ясаш учун қилган интиҳосиз, меҳнатлари Сизифнинг умр бўйи тош юмалатиб азоб тортганига ўхшаб кетгани ва миллионлаб бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлгани "даҳшатли вабо" каби бир абсурд деб баҳоланади.

Камю ҳали ҳаёт бўлган 1950 — 60 йилларда одамзодни қириб ташлашга қодир бўлган ядро қуроллари яратилгани, совуқ уруш ва қуролланиш пойгаси авжига чиқарилгани ҳам романда вабо тарқатувчи жирканч каламушлар кирдикорига ўхшаб кетади. Роман қаҳрамонлари жонларини хавф-хатарга қўйиб бўлса ҳам, вабо тимсоли бўлган ёвуз кучларга қарши фидойиларча курашадилар.

Инсонни вабодан қутқаришга қаратилган бу кураш Камю романини теран бир инсонпарварлик руҳи билан суғоради. Каламушлар тарқатаётган вабо беъмани бир абсурд бўлса ҳам, бу вабодан инсон зотини қутқариш учун олиб борилган кураш туфайли романда юксак гуманистик маъно пайдо бўлади. Яъни ҳаётдаги маъносиз абсурдга ёзувчи ўзининг таланти, маҳорати ва гуманистик эътиқоди ёрдамида янгича бир маъно бахш этади. Шу тарзда роман маънавият хазинасидан ўрин олади.

Афсуски, Камюнинг абсурдга оид фикрларини нотўғри талқин этувчилар бор. Улар ҳаётда абсурд бўлгани каби, адабиётда ҳам абсурд асар, абсурд ижод бўлиши мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Ҳолбуки, Камю ҳаётдаги абсурднинг ғайриинсоний моҳиятини доим ёдда тутишга ундайди. У абсурд оқимига тушиб нишабга қараб оқишни эмас, балки абсурд оқимига қарши сузиш зарурлигини қуйидагича таъкидлайди:

"Агар абсурд туйғуси бевосита ҳаракат қоидасига айлантирилса, унда бу туйғу қотилликка ҳам бефарқ қарайди, уни жойиз қилиб кўяди. Агар ҳеч нарсага ишонч қолмаса, агар ҳамма нарса маъносиз бўлса-ю, ҳеч нарсанинг қадр-қиммати бўлмаса, унда ҳамма нарса мумкин — ёвузлик ҳам, яхшилик ҳам жоиз ва аҳамиятсиз бўлиб қолади." (А.Камю, "Избранное" Москва, 1990 й. 18-бет.) Ана шу ҳолатга тушмаслик учун А.Камю инсоний ҳақиқатга суянади. Унинг "Немис дўстимга мактублар" асарида инсонга ишонч ғояси олдинга сурилади. "Бу дунёнинг маъносини фақат инсон излайди, — деб ёзади у. — Бу дунёда ҳеч бўлмаганда битта ҳақиқат бор — бу инсон ҳақиқатидир. Шунинг учун, аввало, инсонни қутқариш керак" (ўша китоб, 18-бет.)

Камюнинг ушбу сатрларида инсонга меҳр ва уни турли азоблардан қутқаришга қаратилган олижаноб мақсад бор. Энди шу нуқтаи назардан шоир Ҳусан Карвонлининг қуйидаги шеърига кўз ташлайлик:

Мен ва сен, сен ва у, у ва мен — гаранг.
Лоҳасмиз, бекасмиз, бешамол, бедил.
Ҳамма бир-бирини ёмон кўради.
Нафратлар пишади иссиқда ҳил-ҳил.

("Ўзбек модерн шеърияти", 2003 й. 115-116-бет)

Бу сатрларда тушкунлик руҳи ҳукмрон, "Мен", "Сен", "У" — уч томонда ҳам меҳру оқибат йўқ, маънавият йўқ, уларнинг урнини абсурд бир нафрат эгаллаган, шунинг учун ҳамма бир-бирини ёмон кўради, ҳамма гаранг ва лоҳас. Бу ҳолдан чиқиш йўлини ҳар ким ўзи билганича кўрсатади. Масалан, Назар Эшонқулнинг "Ёшлик" журналида чоп этилган бадиасида шундай шеърий фикр билдирилган:

Менга дўст керакмас, душмандан бошқа,
Муҳаббат керакмас "Нафратдан бошқа".

("Ёшлик", 1903 й. 3 июн, 7-бет.)

Демак, Карвонлининг шеърида "ҳил-ҳил пишган нафратларни бадиа муаллифи керак деб ҳисоблайди. Ҳатто "Муҳаббат керакмас нафратдан бошқа" деган сўзлар билан нафратни муҳаббатдан ҳам заруррроқ санайди. Бунинг сабабини муаллиф қуйидагича изоҳлайди: "Одам ўзига дўст кўзи билан қараши фикрнинг турғунлигига олиб боради. Душман кўзи билан қараса-чи? Муҳаббат қўйилган нарсаларга нафрат кўзи билан қараса-чи?"

Менимча, бу саволларда абсурд фикр олға сурилаяпти. Чунки нормал одам ўзига душман кўзи билан қараёлмайди. Бобур Мирзо "Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим, кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим" деган фикрининг тўғрилигини бутун ижоди ва ҳаёти билан исбот этган. Чунки одам ўзини дўст билиб, ички дўстга ишониб, суяниб яшасагина нимагадир эришади. Акс ҳолда унинг умри дилидаги душман билан олишиб, доимо бир ҳадик ва хавотирлик ичида бесамар ўтиши мумкин.

Муҳаббат қўйилган насаларга нафрат кўзи билан қараш ҳам маъноси йўқ абсурдга олиб боради. Қайси нормал одам ёрига аталган гулдан нафис меҳрини ёки Она ватанига аталган илиқ муҳаббатини қаҳру ғазаб манбаи бўлган нафратга алмаштиради? Ким уни бунга мажбур қилаолади?"

Бунинг жуда мушкул эканини бадеъа муаллифи ҳам сезади ва "Муҳаббатнинг нафратга айланиши — фожиадир." деб тан олади. Тўғри, муҳаббатнинг нафратга айланиши фожиа билан тугашини масалан, Шекспирнинг "Отелло" асарида яққол кўрамиз. Нега шуни билатуриб, муҳаббат қўйган нарсамизга нафрат билан қарашимиз ва муаллиф айтган фожиага учрашимиз керак? Бадеъа муаллифи бу саволга қуйидагича жавоб беради: "Фожиа руҳни янгилайди, қарашларни ўзгартиради, янги воқеликни яратади, эскисини инкор этади." ("Ёшлик" журнали, 1903 йил, 3-сон, 7-бет)

Гап бу ерда театр саҳнасида кўрсатиладиган фожиа тўғрисида эмас, ҳаётда воқеликни янгилайдиган фожиа тўғрисида бораётир. Ҳаётда кўпинча ўлим билан тугайдиган фожиа қандай қилиб руҳни янгилайдию, қай тарзда янги воқелик яратади? Янги воқелик яратилиши — улкан тарихий жараёндир. Янги воқелик кўпинча инқилобий ўзгаришлар натижасида яратилиши тарихдан маълум.

Бироқ одамзод инқилобий ўзгаришлар фожиасини кўравериб роса безор бўлган. Бутун дунё ҳозир тинч эволюцион тараққиётни афзал кўради.

Абсурд назариясининг асосчиси ҳисобланган Камю ҳам ўша машҳур нутқида инқилобий таназзулларни, худоларни йўққа чиқарган мустабид мафкураларни, зиёлилари тубанлашиб, нафрат ва зулм малайларига айлантирилган ўтмиш даврларни қоралайди, адабиёт одамларни душманликка эмас, дўстликка даъват этиши кераклигини таъкидлаб шундай дейди: "Ёзувчининг истеъдоди одамларни бирлаштиришга, уларнинг орасида тотувлик кўпригини қуришга хизмат қилади. Ёзувчи ўз касбининг улуғворлигини белгилайдиган икки нарсани имкон қадар бажаришга рози бўлиши керак. Булар ҳақиқат учун ва озодлик учун хизмат қилишдир." ("Жаҳон адабиёти" журнали, 2002 йил, 2-сон, 169-бет.)

Қарангки, А.Қодирий ва Чўлпонлар ўтган асрда ҳақиқат учун ва озодлик учун курашга ўз жонларини фидо қилган бўлсалар, улар билан бир асрда яшаб ижод қилган Камю ҳам ҳақиқат ва озодлик учун хизмат қилишни ёзувчилик касбининг улуғвор вазифаси деб ҳисоблайди. Ўйлайманки, бизнинг ҳозирги давримизда ҳам нигилизмга берилмасдан, маъносиз абсурд оқимларига тушиб оқмасдан, А.Камю каби инсон зотини абсурд азобларидан халос қиладиган маъноси зўр асарлар ёзиш ва шу йўл билан ҳам одамларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш ёзувчилик касбининг энг улуғвор вазифаси бўлиб қолади.

Тирик жонзотлар орасида фақат инсон китоб ўқийди. Китобдан маънавий озиқ олиб яшаш эҳтиёжи — инсон зотини ҳайвонот дунёсидан ажратиб турадиган улкан чегарадир. Шу чегара бузилса ва инсон маънавиятдан бутунлай маҳрум бўлса, яна орқага — ҳайвоний ҳирслар оламига қайтиб кетади.

Мамлакатимизда маънавиятга жуда катта эътибор берилаяпти. Маънавият марказлари барча худудларда ишлаб турганлиги, ҳамма таълим муассасаларида маънавият дарслари ўтилаётгани халқимизнинг маънавий соғлом ҳаёт кечиришига ёрдам беради, ёшларимизни четдан келадиган ҳаёсизлик, маъносизлик ва шафқатсизликлардан огоҳ қилади, уларни инсоний меҳру оқибат руҳида тарбиялашни мақсад қилиб қўяди.

Айниқса, халқ дардига дармон бўладиган ва инсон камолотига хизмат қиладиган миллий адабиётимизда энг самарали ижодий изланишлар маънавий изланишлар жараёнига қўшилиб боради. Шахсан менга бирон янги нарса ёзиш насиб этса, бу йўлда китобхоннинг маърифий ва маънавий эҳтиёжини озгина бўлса ҳам қондириш, унга мушкул туюлган муаммони таҳлил ва талқин этишда кўмаклашиш учун ўзимни бурчли сезаман. Ушбу бадиа ҳам ана шу бурчни баҳоли қудрат бажаришга қаратилган.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50
Санъат бўлими: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Адиба УМИРОВА
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 463. Ҳажми — 3 босма табоқ Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН
Тиражи — 5680